


И.З  
Азат

Абу-л-Қосим Мәхмуд  
аз-ЗАМАХШАРИЙ

# Назик ибрагилар

ШАРҚ  
УЛУҒЛАРИ



Абу-л-Қосим Махмуд ибн Ахмад  
ибн Ахмад  
аз-ЗАМАХШАРИЙ

# Ноғзик и боядалар



ШАРҲЛАР МУАЛЛИФИ  
ВА ТАРЖИМОН

Убайдулла УВАТОВ

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Асад ДИЛМУРОД

Тошкент  
«Камалак»  
1992

Жаҳон фани ва маданияти тараққиётига мисъисиз ҳисса күшган бенаайир ижонат улуг аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарийни биласизми?

У Муҳаммад Мусса ал-Хоразмий, Абу Райхон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Абдулоҳ ал-Хоразмий, Абу Ҳомид Ғазаолий, имом Ибмоил аз-Бухорий, имом ат-Термизий каби буюк зотлар билан бералад беллаша оладиган маърифатпарвар донишманиддир. Хоразмнинг Замахшар қишлоғига туғилиб ўсган олим авлодларга бениҳоя бой илмий-адабий мерос қолдирган. Маърифат дунёсида диний ҳамлар, лугатшунослик, грамматика (нахв), аруз, адабиётта ва мантиқка оид элликка яқин асари, хусусан, Қуръони карим тафсирига багишланган «Ал-Қашшоф» китоби маълум ва машҳурдир.

Қўлингиздаги китоб аввало аз-Замахшарий ижоди ва илму урфон йўлида босиб ўтган машаққатлари ҳақида ҳикоя қилади. Китобни ўқиркансиз, алломанинг ташвишли дунёси, афсонага айлавиб кетгани ҳаёти ҳақидағи қизиқарли маълумотлар билан танишасиз. Оммабоп руҳда ёзилган шарҳлар орқали олим мероси билан ошно бўласиз, бу мероснинг ижтимоий-бадиий моҳиятини теран ҳис этасиз.

Китобга аз-Замахшарий ижодидагина эмас, бутун ислом маданиятида муҳим ўрин тутувчи «Нозик иборалар» рисоласи тўлалигича киритилди. Ушбу рисола асосан ҳикматлар ва тафсирий лавҳалардан иборат бўлиб, Қуръон гояларини улуғлайди, сизни имонли, эътиқодли, пок ниятли бўлишга, маънавий дурдоналарни қадрлашга даъват этади.

## А 20 Абу-л-Қосим Маҳмуд Аз-Замахшарий.

Нозик иборалар. (Шарҳлар муадлифи ва тарж. У. Уватов. Нашрга тайёрловчи Асад Дилмурод) — Т., «Қамалак», 1992. — 80 б.

Абу-л-Қасим Маҳмуд Аз-Замахшарий. Тонкие фразы.

ББК 72.3


A 4702620106—130  
A 356 (04)—92

ISBN 5—633—00845—6

© Абу-л-Қосим Маҳмуд ал-Замахшарий, 1992 (бадиа, таржима, беzaқ).

Убайдулла УВАТОВ

# Доми улугъ. Сўзи кулигу





## ВАТАНДОШИМИЗ АБАДИЯТИ

Хоразм воҳасида азалдан жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиқсан. Айниқса ўрта асрларда бу диёрда илмфанинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилсан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон ал-Беруний, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Ибн Мискавийх, Абу Наср ал-Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абу-л-Хайр ибн ал-Ҳаммор кабиларнинг донғи бутун Мағрибу Машриққа тарқалган. Хоразм заминида таваллуд топган буюк алломалардан бири Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийдир.

Унинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад (баъзи манбаларда Аҳмад) бўлиб, у ҳижрий 467 сана ражаб ойининг йигирма еттинчисида—чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 марта) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган ва шу боисдан ҳам аз-Замахшарий тахаллусини олган. Аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтда искандариялик бир шогирди. «Ал-Ақд ас-самийн фи тарих ал-балад ал-амийн» номли тарихий асарнинг муаллифи Шаҳобуддин Аҳмад ибн Али ал-Ҳусний ал-Моликийга йўллаган мактубида ўзи ҳақида «Мен Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хоразмий кейин аз-Замахшарийман—Хоразмнинг бир қишлоғига (Замахшарга) мансубман, Замахшар туғилган юртимдир», деб ёзган.

Аз-Замахшарий ҳақидаги маълумотлар асосан ўрта аср араб манбаларида, қисман маълумотлар эса олимнинг ўз асарларида келтирилган. Аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишда Ибн Халликон («Вафойот ал-аъён»), Ибн ал-Анбарий («Нузҳат ул-алиббо

фи табақат ил-удабо»), Еқут ал-Хамавий («Муъжам ал-удабо»), «Иbn ал-Жавзий («Ал-Мунтазам»), Жалолуддин ас-Суютий («Бүғйот ал-вуют»), Ибн ал-Кифтий («Инбаҳ ар-Рувот») ва бошқа араб мұаллифларининг асарлари асосий манбалар родини үтайды. Мана шу мұаллифлар келтирған далилді маълумотларни умумлаштирган ҳолда аз-Замахшарийнинг оиласи, ёшлиқ йиллари ҳақида мұайян тасаввурға эга бўлиш мүмкин. Аз-Замахшарийнинг отаси учалик бадавлат әмасди, лекин ўз даврининг саводли, анча тақводор, диёнатли кишиси бўлган, аксар вақтини Қуръони карим тиловати ва тоат-ибодат билан үтказиб, Замахшардаги бир масжидда имомлик ҳам қилган. У хулқ-атвори яхши, ширинсухан ва ғоятда муруватли киши бўлиб, бу фазилати билан эл орасида катта обрў-эътибор тонган. Аз-Замахшарийнинг онаси ҳам ғоятда тақводор ва диндор аёллардан хисобланган. Асарларидан бирида ўз волидаси ҳақида аз-Замахшарий келтирған ушбу маълумотлар унинг онаси бениҳоя оқила бўлганилигидан далолат беради: «Ёшлиғимда бир воқеа бўлган эди. Қунлардан бир кун бир чумчукни тутиб олиб, оёқларини ип билан маҳкам bogладим, бироқ чумчук қўлимдан чиқиб кетиб, девор орасига (инга) кириб бекинди. Мен уни индан тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ип сикқани натижасида қушнинг оёғи узилиб (кесилиб) тушди. Бундан онам қаттиқ хафа бўлиб: «Сен қушни оёгини кесганинг каби худо ҳам сенинг оёгингни кессии», деб мени қарғади». Маълумки, аз-Замахшарийнинг бир оёғи йўқ бўлиб, у бутун умр ёғоч оёқда юрган. Бунинг сабаблари ҳақида ёзганларида тарихчилар ҳар хил ривоятлар келтиришади. Бир сабаб қилиб онасининг қаргишини кўрсатадилар (бу ҳақда сўнгроқ батафсил ёзамиз). Мана шу маълумотларга таяниб айтиш мүмкинки, олимнинг ёшлиқ йиллари диний, тақводорлик мұхитида шаклланиб, камол тонган. Аз-Замахшарий наэмий асарларидан бирида ўз ота-онаси-ю, оила аъзоларидан бирортаси на шароб-у, на бошқа хил ичимлиқни мутлақо истеъмол қилмаганлигини алоҳида таъкидлаши бу фикримизни янада ойдинлаштиради. Афтидан, аз-Замахшарийнинг отаси серфарзанд бўлган. Чунончи, у ўз қасидаларидан бирида фарзандлари кўп ва оиласи катта бўлгани учун ҳам отаси рўзгор тебратиш ва тирикчилик йўлида тинмай меҳнат қилиб, сатьй-харакат кўрсатгани ҳақида ёзади.

Аз-Замахшарийнинг отаси ҳақида келтирилған маъ-

лумотларда у бир қанча муддат ҳибсда бўлганлиги ҳам қайд қилинади. Чунки аз-Замахшарий ҳоким Муаййид ал-Мулкка (у 1101 йилда вафот этган) мурожаат қилиб, илму фазилатини ва катта оила боқувчиси бўлганлигини инобатга олиб отасини тутқунликдан озод этишини илтимос қиласи. Аз-Замахшарий отасининг ҳибсга олиниши сабаблари аниқ эмас, лекин диний қарашлари бўйича у билан ҳукмдорлар орасидаги ихтилоф туфайли бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки, аз-Замахшарий оиласи мутьазилий оқимига мансуб бўлиб, унинг тартиботларига барча оила аъзолари қаттиқ риоя қилардилар. Хуллас, ёш Маҳмуднинг дунёқарashi мана шу диндор, тақводор отанинг таъсирида шаклланди.

Аз-Замахшарий дастлабки билимни она юрти Замахшарда ўз даврининг ўқимишли кишиларидан саналган отасидан олди. Аз-Замахшарийнинг шахсий ҳаётига доир маълумотлардан яна шу нарса маълумки, аввалроқ ёзганимиздек унинг бир оёғи бўлмай, ёғоч оёқда юрган. Шу хусусда тарихчилардан кўпи: «Унинг бир оёғи бўлмай, ёғоч оёқда юрарди ва узун яктагини тушириб кийгани учун кўрган одам уни чўлоқ деб ўйларди», деб ёзганлар. Манбаларда чўлоқлигининг сабаблари ҳақида ҳам турли-туман ривоятлар келтирилади. Тарихчилардан баъзилари, қаҳратон қишида соvuқ олганлигидан, деб ёёса, айримлари, болалигига отдан йиқилиб бўлган, дейди, яна бошқаси ёшлигига бир ножӯя иш қилиб қўйганлиги учун онасининг қарғишига учраган, деб ёзади. Аниқроғи, оғир бир иллат туфайли у ёшлигига бир оёқ бўлиб қолган ва шундан сўнг отаси оғир меҳнатга ярамаслигини инобатга олиб, уни бир кийим тикувчи устага шогирдликка бермоқчи бўлади. Аммо ёшлигидан илмга ҳавасманд Маҳмуд отасидан ўзини Хоразмга — мадрасага ўқишига юборишини сўрайди. Ўғлидаги илмга зўр иштиёқ ва ҳавасни сезган ота унинг илтимосини бажо келтиради. Ана шу пайтдан бошлаб ёш аз-Замахшарий илм-фанинг турли соҳалари билан қизиқиб, тенгқурлари орасида қобилияти ва истеъодини намоён қила боштайди. Мадрасада ўқитиладиган илмларни, айниқса араб тили ва адабиётини, диний илмлар мажмуасини тўлиқ әгалайди. Шу билан бир қаторда ўша даврда илм аҳллари орасида муҳим ҳисобланган ҳаттотлик санъати сиру асрорини ҳам мукаммал ўзлаштириб, ундан фойдаланади ва тириқчилигини бир қадар тузатади. Сўнг араб

тариҳчиси Ибн Ҳаллиқоннинг (1211—1288) ёзишича, талабалик ёшига (12 ёшларга) етгач, ўз билимини ошириш ва ҳар томонлама заковат эгаси бўлиш мақсадида у Бухоро шаҳрига йўл олади. Чунки Бухоро ўша пайтда машҳур олим-филолог Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961—1038) ибораси билан айтганда, «Сомонийлар давридан бошлаб шон-шуҳрат макони, салтанат каъбаси ва замонасининг илғор кишилари жамланган, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ва ўз даврининг фозил кишилари йигилган жой эди».

Афтидан, аз-Замахшарий Бухорода таҳсил кўриб юрган йилларида отаси вафот этган. Чунки у ўз девонига кирган шеърларидан бирида падари бузрукворининг меҳри ва дийдорига тўймай қолганлигини, «бир том остида касалига малҳам бўла олмаганлиги»ни ғоятда таассуф ва чуқур аламу ҳасрат билан ёзади. У Бухорода ўқишини тугатгач, бир неча йил хоразмшоҳлар хизматида бўлади, котиблиқ қиласи, ҳукмдорлар билан яқин бўлишга интилади. Бироқ қобилияти, илми ва фазилатларига муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қиласи, ўз матлабу мақсади ушалишига умид боғлади.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, аз-Замахшарийнинг ёшлиқ йиллари Салжуқийлар ҳукмдори султон Маликшоҳ ва унинг машҳур вазири Низом ул-Мулк даврига тўғри кедиб, бу ҳукмдорлар илм-фан ва маданият равнақи йўлида улкан ишларни амалга оширгандилар. Айниқса, илм-фан ва маърифат ҳомийси сифатида бутун Шарқда донг таратган бош вазир Низом ул-Мулк олимларга, шоиру адибларга катта эътибор берарди. У Шарқнинг турли-туман шаҳарларида сунний мазҳаби бўйича шариатни ўргатадиган мадрасалар ташкил қилган, улар Низомия мадрасаси номи билан машҳур эди. Шу вақтда Хоразмшоҳлар давлати Буюк Салжуқ салтанатига тобе ҳисобланар эди. Хоразмда етарли обрў-эътибор топмаган аз-Замахшарий салжуқийлар вазири Низом ул-Мулк хизматига киради ва Низом ул-Мулкка мадхия тарзида бир қасида ёзади. Ушбу қасидада ўз юритида хору зорлик қўрганлигини, аслида эса ўзи юқори лавозимларга сазовор эканини ва бу оразусига эришиш учун илм-фан қадрини биладиган Низом ул-Мулкдан умидвор бўлиб келганлигини таъриф этади. Бироқ бу сафар ҳам омади юришмайди, у орзу қилган мартабасига эришолмайди. Балки Низом ул-Мулк сунний мазҳабига мансублиги, аз-Замахшарий

эса мұтазилий оқимининг ашаддий ҳомийиси бұлғанлиги үртада ихтилоф туғдирғандыр. Бу ҳол шу даражага етдики, агар аз-Замахшарий бирор дүстиникига бориб эшигини тақиллатса, эшикни очган хизматкорға: «Хўжайнингга бориб, Абул-Қосим ал-Мұтазилий келди, деб айт», дерди.

Шундан кейин ҳам олимнинг ҳаёти янги ўлкаларга сафар қилиш билан кечади, у Хурсонга қараб йўл олади. У ердаги давлат арбобларидан баъзилари билан яқиндан танишади. Улардан бири Тоҷ үд-Давланинг ноиби Мужийр ад-Давла Абу-л-Фатҳ Али ибн ал-Ҳусайн ал-Ардистоний эди. У ўз даврининг машҳур котибларидан әди. Унга аatab мадҳиялар битади, грамматика (наҳв) га оид «Шарҳ абыат Сибавайҳ» ва «ал-Анмузаж» номли асарларини ҳам унга бағишлиб шу пайтда яратади. Шунингдек, Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, ал-Ардистонийга аatab яна бир қасида ҳам битади. Хурсонда бўлганида вазир Низом ул-Мулкнинг ўғли Убайдуллоҳга бағишлиб ҳам мадҳиялар ёзади. Убайдуллоҳ Султон Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ даврида девон ал-иншо (канцелярия)нинг бошлиғи (раиси) бўлиб, наср ва назмда етуқ адиллардан ҳисобланар, ўз биродарларидан батамом устун әди. Бирор юқорироқ лавозим олиш умидида аз-Замахшарий Убайдуллоҳга мадҳиялар бағишлийди.

Шунга қарамасдан аз-Замахшарий Хурсонда ўз мақсадига эришолмайди, бу ерда ҳам унинг ахволи Хоразмдагидан яхши бўлмайди. У яна сафарга отланиб, Салжуқийлар давлатининг пойтахти Исфаҳонга келади. Салжуқийлар султони Мұҳаммад ибн Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ адолатлилиги, гўзал хулқ-автори ва жасурлиги билан машҳур әди. Аз-Замахшарий султоннинг ушбу фазилатлари ва хайрли ишларига бағишлиб мадҳиялар ёзади. Шундан кейин ҳам аз-Замахшарий ижодида подшоҳу ҳукмдорларга мадҳиялар асосий ўринни эгаллайди, десак муболага бўлмайди. Чунончи бир қатор салжуқий ҳокимларга бағишлиб мадҳиялар битгани илмий тадқиқотларда ҳам алоҳида қайд қилинган. Салжуқийларнинг подшоҳи Муиззаддин Санжар (у 511—522 ҳижрий йилларда ҳокимлик қилган) аз-Замахшарий мадҳ қилган еттинчи ҳоким ҳисобланади. Кейин хоразмшоҳ Мұҳаммад ибн Ануштагин (490—521 ҳижрий йилларда ҳукм юритган) билан яқиндан танишиб, унга бағишлиб мадҳиялар ёзади. «Муқаддимат ул-адаб» номли йирик асарида султоннинг ўғли Хоразмшоҳ Отсизнинг

(у 521—551 ҳижрий йилларда ҳукм юритган) илм аҳлларига ва адилларга нисбатан ғамхўрлигини алоҳида таъкидлайди. Аз-Замахшарийнинг бу асарига зўр қизиқиши билан қараган Отсиж ўз шахсий кутубхонаси учун ундан бир неча нусха кўчирирган эди.

1118 (512 ҳижрий) йилда аз-Замахшарий оғир бир иллатга чалинади ва қанча азоб-уқубатларни бошидан кечириб тузалгач, энди мансаб дея ҳукмдорлар бўсағасини босмасликка онт ичади ва мол-дунё таъмасидан мутлақо воз кечади, қолган умрини фақат илм-фангага бағишлишга, шогирдлар етиширишга баҳшида этиб, асарлар яратишга астойдил қарор қиласди. Бироқ яна тез орада сафарга чиқиб, Бағдодда тўхтайди ва қўп илмлар бўйича Бағдод олимларидан сабоқ олиб, қизғин мунозараларда қатнашади. Бир муддат Бағдодда тургандан кейин яна сафарини давом эттириб Маккага боради. Макка аҳли, унинг амири Абу-л-Ҳасан Али ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос аш-Шариф ал-Ҳасаний аз-Замахшарийни яхши кутиб олади. Амир Ибн Ваҳҳос фозил, илмли киши бўлиб, у бир қанча назмий ва насрый асарлар муаллифи ҳам эди. У аз-Замахшарийни Маккага келиши билан қизғин табриклади, уни гоятда улуғлаб, қадр-қимматини муносиб баҳолади. Аз-Замахшарий ҳам у билан танишганидан беҳад қувониб, иккала олим бир-биридан ўзаро истифода олди, бир-бирларига бағишлиб қасидалар битдилар. Аз-Замахшарий Ҳижозда бўлган пайтида Ҳамадон (Яман)ни ҳам зиёрат қилганлиги адабиётларда қайд этилган. Қасидаларидан бирида олимнинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳикоя қиласди. У Арабистон ярим оролининг барча минтақаларини зиёрат қиласди ва ат-Таифдан тўрт кунлик йўлда жойлашган бир водийнинг тупроғиу аҳли ўзига ёқиб қолганилиги ҳақида тўлқинланиб ёзади.

Маккада икки йилча яшаганидан кейин яна ўз тупроғини қўмсаб, ватанига қайтади. Бу ўринда яна шуни қайд этиш керакки, аз-Замахшарий Хоразмга қайтиб келганида бу ерда вужудга келган сиёсий вазият унга кулиб боқсанди. Чунончи Муҳаммад ибн Ануштагин асос солган хоразмшоҳлар салтанати вужудга келган эди, олдин эса у Баркуярик даврида Хоразмга воли ҳисобланар эди. Султон Санжар Хуресонни батамом эгаллагач, Муҳаммад ибн Ануштагинни Хоразм ва унинг аъмолларига ҳоким — Хоразмшоҳ лавозимига тайинлаган эди. У эса илм-фан ва адабиёт аҳлини ўзига яқин тутиб, уларга алоҳида эътибор билан қаради.

Шулар қатори аз-Замахшарий ҳам унинг муруватига сазовор бўладики, бу ҳолни у Муҳаммад ибн Ануштагиянга багишланган назмий асарларида байён қилади. Хоразмшоҳ Муҳаммад вафот этгач (521 ҳижрий йил), унинг ўрнига келган Отсиз ҳам аз-Замахшарийга ва умуман илм-фан, адаб ахлиға катта ҳурмат-эътибор билан қарайди. Буни аз-Замахшарий ўзининг «Муқаддимат ул-адаб» асарида алоҳида таъкидлайди. Шунга қарамай у Маккадан қайтганига қаттиқ пушаймон бўлиб, ҳатто алам-ҳасратидан йиғлашгача етади. Маҳзун ҳолатии олим бир қанча қасидаларида ифода этади. «Ўз умрингнинг анча қисмини Маккада ўтказдинг, яна Маккага кетаман дейишигнинг боиси нима?» — деб сўраганларида, у: «Қалб хотиржамлиги, дил поклиги ва ибодат лаззатини фақат Маккадагиша ҳис қилиш мумкин», деб жавоб қилади. Шундан кейин иккинчи марта Макка томон йўл олиб, Дамашқда тўхтайди. Дамашқ ҳокими Бўри Тағтакинга багишлаб шеърлар ёзади. Чунки у Ботиния оқими тарафдорлари га қарши қурапиган, улардан олти мингини ўлдирган. Дамашқ мусулмонларини салибчилардан ҳимоялаш учун уларга қарши Дамашқ араб ва туркманларига бошчилик қилиб, салибчиларни 523 ҳижрий (1128 милодий) йилда мағлуб қилган эди. Шу йилнинг ўзида у Дамашқдан чиқиб, Маккага етиб боради ва уч йил мобайнида Маккада яшайди. Ибн Ваҳҳос бу сафар ҳам аз-Замахшарийни илиқ қарши олиб, унга ғоятда зўр иззат-икром қўрсатади, унинг ақидасини (муътазилияни) маъқул топиб, олимни ҳар томонлама қўллаб-куватлайди. Шу пайтда Ибн Ваҳҳоснинг самимий ёрдамидан илҳомланган аз-Замахшарий ўзининг Қуръони карим тафсирига багишланган машхур асари «Ал-Қашшоф»ни (бу асар ҳақида кейинроқ батафсил маълумот берамиз) ёзib тугатади. Уч йил Маккада яшаганидан қейин аз-Замахшарий яна ўз ватани Хоразмни қўмсайди ва Маккадан чиқиб, 533 ҳижрий йилда Бағдодга келади. Бағдодда ҳам кўп олимлар сухбатида бўлади, улар билан илмнинг турли соҳалари бўйича баҳс ва мунозараларда қатнашади. Сўнгра Хоразмга қайтиб келиб, бир неча йил яшагандан кейин 538 ҳижрий йилнинг арафа кечаси (1143 милодий йил) Журжонияда (хозирги Урганч) вафот этади. Шундан деярли икки юз йил кейин, яъни 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган машхур араб сайёҳи Ибн Баттута (1304—1377) ўзининг «Ар-Риҳла» («Саёҳатнома») асарида

Хоразм (Урганч)нинг ташқарисида аз-Замахшарий-нинг қуббали мақбарасини кўрганлиги ҳақида ёzádi.

## АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Аз-Замахшарий ўз даврининг йирик тилшуноси, лугатшуноси, шоири ва олими сифатида машҳурдир. У диний илmlар мажмуаси – ҳадис, тафсир, фикҳ ва қироат илми бўйича ҳам катта шуҳрат қозонган. Мазкур илmlарни мукаммал эгаллашида, ўз даврининг етук олими даражасига етишида, шубҳасиз, устозларининг хизмати бениҳоя катта бўлган. Чунончи, у ўз юрти Хоразмда ҳам, хорижий элларда бўлганида ҳам ўз даврининг машҳур олимларидан таълим олган, ҳамма жойда олиму фузалолар даврасида муттасил равишда ўз илмини оширишга ҳаракат қилган. У ёшлигидан араб тили ва араб адабиётига катта меҳр қўяди, умуман араблар ҳаётининг турли томонларини алоҳида завқ билан ўрганади.

Аз-Замахшарийнинг дастлабки устозлари Хоразмда бўлишган. Унинг камолот босқичига кўтарилишига тил, лугат ва адабиёт соҳасида доинг таратган олим Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарийр ад-Даббий ал-Исфаҳоний алоҳида роль ўйнади. 1113 (508 хижрий) йилда Марвда вафот этган бу олим Хоразмда ҳам бир неча йил яшаган.

Машҳур араб олими ва сайёхи Ёқут ал-Ҳамавий ал-Исфаҳоний ҳақида шундай деб ёzádi: «Лугат ва нахв (грамматика) илмида ўз даврининг ягона билимдони ва ўз асрининг беназири бўлиб, унинг хилма-хил фазилатлари тўғрисида ривоятлар (масаллар) келтирадилар. Бир қанча муддат у Хоразмда истиқомат қилган бўлиб, одамлар унинг илму урфонию макорими ахлоқидан фойда кўргандилар. Кўпгина йilm толиблари, шулар жумласидан, аз-Замахшарий унинг мукаммал илмидан баҳраманд бўлиб, лугат ва нахв соҳасида таълим олганлар. Хоразмга мұтазилий оқимини олиб келиб тарқатган ҳам шу ал-Исфаҳонийдир. Ал-Исфаҳоний ғоятда улуғворлиги туфайли халқ унга эргашиб, унинг таълимотини қабул қилган».

Шундай катта олимнинг чуқур билими-ю, илм олиш борасида аз-Замахшарий кўрсатган жидду жаҳд унинг келажакда нахв ва лугат соҳаларида етук олим бўлиб етишишига мустаҳкам замин бўлди. Аз-Замахшарий

устози ад-Даббийдан нафақат чуқур билим олди, баяки унинг илмий йўналишлари, асарлар яратишдаги тартиботларини тадқиқ қилди, ниҳоят, мұтазилий оқими-нинг энг ашаддий ҳомийларидан бири бўлиб етишишда ҳам устози йўлидан юрди. Хоразм үлкасида мұтазилий оқимининг тарқалиши ва унинг мустаҳкам қарор топишида ад-Даббий асосий рөль ўйнади десак ҳеч янглишмаган бўламиз. Хоразмда бу оқим таъсири шу дараҷага етдики, ҳатто Хоразм сўзи билан мұтазилий сўзи муродиф (синоним — хоразмий-мұтазилий) қоғияси тариқасида жаранглаб, кенг қўламда қўлланила бошланди. Хулласи қалом, аз-Замахшарий дунёқарашининг шаклланишида, у илм-фаннынг турли соҳала-ридан (айниқса грамматика ва лугатдан) чуқур билим олишида ва ниҳоят дўйний эътиқодида ҳам ад-Даббий сезиларли таъсир кўрсатди. Араб миллатига мансуб бу олимнинг таъсирида аз-Замахшарий қалбида ёшлигидан арабларга ва араб тилига самимий муҳаббат туйғулари қарор топдики, бу ҳолни олимнинг ўзи ҳам баъзи қасидаларида миннатдорлик ҳисси билан ифода-лайди. Ад-Даббий вафоти муносабати билан аз-Замахшарий қаттиқ қайғуради ва устозига бағишлиб мотамса-ро қасида битади.

Умуман аз-Замахшарийнинг илмий, ижодий фаоли-ятида бир миллатни бошқа миллатдан устун қўйиш бўлмаса ҳам, бироқ у араб тилига, араб ҳалқининг илм-фандаги ютуқларига юқори баҳо беради, дастлаб шу диёрда бунёд бўлган ислом дини маърифат ва маданият ривожида ижобий таъсир кўрсатганини алоҳида қайд қиласди. У грамматикага бағишиланган «Ал-Муфассал» асарини одамларнинг истагини ҳисобга олиб, «араб ка-лималарини билиш учун» яратгани, «Муқаддимат ул-адаб» асарини эса гайри араблар араб тилини ўрган-моғи учун ёзганини таъкидлайди.

Аз-Замахшарийнинг устозларидан яна бири Абу Бақр Абдуллоҳ ибн Талҳа ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Йабарий ал-Андалусий бўлиб, у ҳам грамматика ва фиқҳ соҳасида йирик олим ҳисобланарди. Аз-Замахшарий Маккада бўлганида баъзи грамматик китобларни, жумладан, «Шарҳ қитоб Сибавайҳ», «Шарҳ рисолат ибн Абу Зайд» кабиларни унинг ёрдамида ўрганганди. Ал-Йабарий 518 ҳижрий (1124 милодий) йилда вафот этган.

Аз-Замахшарий Бағдодда бўлганида ҳам кўпгина олимлар билан мулоқотда бўлиб, улардан турли илм-

лардан сабоқ олган эди. Жумладан, ҳадис илмини Абу ал-Хаттоб ибн ал-Батар, Абу Саад аш-Шаффоний, шайх ул-ислом Абу Мансур Наэр ал-Хорисий, фиқх илмини шайх ал-Хайятний, ад-Дамғоний, Шариф ибн аш-Шажарийдан ўрганган эди. Ибн ал-Кифтий шундай ҳикоя қиласи: «Аз-Замахшарий Бағдодга, бизнинг хузури мизга 533 ҳижрий йилда келган эди. Мен уни икки марта устозимиз Абу Мансур ибн ал-Жаволиқийниң ёнида (үйида) лугат соҳасидаги баъзи китобларни ўрганаётган пайтида кўрганман».

Бу ҳол аз-Замахшарийниң бутуни умри давомида, ҳатто кексайган чоғида ҳам турли илмларни ўқиб ўрганланлигини кўрсатади. Чунки 533 (1139) йилда Бағдодда юз берган бу воқеа олим олтмиш олти ёшга киргандა, яъни унинг ўлимидан атиги беш йил олдин бўлган.

Аз-Замахшарийниң устозларидан яна бири Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ан-Найсабурийдир. Екунт ал-Ҳамавий у ҳақда шундай ёзган: «Абу Али ал-Музаффар ан-Найсабурий Абу Али олижаноб адиб ва шоир, бир қанча асарларниң муаллифи бўлиб, у ҳақда Абу Аҳмад Маҳмуд ибн Арслон ўзининг «Хоразм тарихи» («Тарих Хваразм») асарида: «Абу Али ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар ал-Адийб, ад-Дарийр ан-Найсабурий сўнгра ал-Хоразмий 442 йил, рамазон ойининг 14-кунида вафот қиласи. У Абу Мудар (аз-Замахшарийниң Хоразмдаги биринчи устози)дан олдин Абу-л-Қосим аз-Замахшарийга устозлик қиласи, унинг назмий ва насрый асарлари ҳам бордир», деб кўрсатган. Бу, албатта, ҳатодир. Чунки аз-Замахшарий, аввал зикр қиласидек, ал-Ҳасан ибн ал-Музаффар вафотидан (442 ҳижрий йил) 25 йил кейин (467 ҳижрий йил) туғилган.

Мана шу маълумотлардан маълум бўлиб турибдики, аз-Замахшарий ҳаётининг талай йиллари хорижий элларда, саёҳатларда ўтган. Шу боисдан ҳам атоқли совет шарқшуноси академик И. Ю. Крачковскийниң: «Еғоч оёқда бўлишига қарамасдан аз-Замахшарий ғоятда ҳаракатчалиги билан ажralиб турарди», дегани бежиз эмаслигини эслатиб ўтиш ўринлидир. Чунончи у, аввал ёзганимиздек, Шарқниң кўп шаҳар ва мамлакатларида, жумладан Бухоро, Марв, Нишопур, Исфаҳон, Дамашқ, Бағдод, Ҳижоз, икки марта Маккада бўлди. Макка аҳли, айниқса, унинг амири Ибн Ваҳдос билан аз-Замахшарий уртасида дўстона муносабатлар қарор

топди. Амирнинг ҳомийлиги ва самимий ёрдами туғайли олим Маккада ўз илмий фаолиятини самарали давом эттириди, араб тили грамматикаси ва лугатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг тили, лаҳжалари, мақолларини чўқур ўрганди, уларнинг ўзига хос урф одатлари билан бир қаторда бу минтаقا жуғрофиясига оид хилма-хил маълумотларни тұплади. Ушбу маълумотлардан унумли фойдаланган ҳолда ўзининг қатор асарларини шу Маккадалигига ёэди. Ўз ҳаётида ўчмас из қолдирған Маккаю мұкаррамада аз-Замахшарий беш йилча яшади. Шу боисдан ҳам у ўз исмига Жоруллоҳ («Оллоқнинг қўшниси») деган шарафли лақаб қўшиб айтилишига муяссар бўлди.

Маккадан бошқа ўзи бўлган қатор шаҳарларда аз-Замахшарий ўз даврининг йирик олимлари, шоир ва адиблари билан мулоқотда бўлар, улар билан дўстона, илмий мунозаралар юритар, қизгин баҳсларда иштирок қиласарди. Бу баҳслар ва мунозаралар чоғида аз-Замахшарий инсоф ва адолат юзасидан фикр юритарди. Бу хусусда хоразмшоҳлар саройида бош котиб бўлган шоир ва адаб Рашидуддин ал-Ватвот қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган.

## АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Илм-фанинг кўпгина соҳалари — тилшунослик, лугатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва фиқҳ бўйича йирик олим даражасига кўтарилиган ва ўзига хос эътиборли илмий мактаб яратган аз-Замахшарийнинг Хораэмда ҳам, Шарқнинг бошқа бир қанча шаҳарларида ҳам шогирдлари бўлиб, асосий вақтини уларга бағишлиарди. Оилавий ҳаёт, рўзгор ташвишлари ҳамда фарзандлар тарбияси кўп вақтимни олади, илмий ва адабий фаолиятим унумли бўлишига халақит беради, деб у қариндош-уруғларнинг қистовига қарамай ҳаётида бирор марта ҳам уйланмаган. Элга фойдали асарлар яратиш ва муносиб шогирдлар тайёрлашни фарзанд ўстириш билан баробар қўйган. Замондошлари аз-Замахшарий қайси шаҳарга бормасин, дарҳол мухлислари, илм толиблари унинг атрофиға тўпланиб, ундаги катта билим чашмасидан баҳраманд бўлишга ошиқишлиарини маълум қиласидилар. Тарихчи Ибн ал-Қифтийнинг ёзишича, аз-Замахшарий Хуросон-

да бўлганида ҳам, Ирока яшаганида ҳам, хуллас, қаерга бормасин — ўша жойда шогирдлари ҳозир бўлишар, ундан сабоқ олишарди. Шу боисдан ҳам турли шаҳарларда унинг шогирдлари бор эди. Уларнинг сони жуда кўп бўлиб, машҳурлари ҳақидагина қисқача тұхталиб ўтамиз.

Улардан бири Абу-л-Ҳасан Али ибн Мұхаммад ибн Али ибн Аҳмад ибн Ҳарун ал-Умроний ал-Хаваризмий бўлиб, у «Ҳужжат ул-афодил» ва «Фаҳр ул-машойих» лақаблари билан аталар, аз-Замахшарийнинг энг яқин дўстларидан бўлиб қолганди. У устози паноҳида адабиёт, ҳадис илмларидан таҳсил кўрганди. У замонасининг етук олимий даражасига кўтарилиб, ўзи ҳам илм толибларига дарс бериб, ҳам тафсир, грамматика, жугрофия соҳалари бўйича асарлар яратганди. У 566 ҳижрий санада вафот этган.

Аз-Замахшарийнинг қобилиятли шогирдларидан яна бири Мұхаммад ибн Абу-л-Қосим ибн Бойчук ал-Баққолий ал-Хоразмий ал-Одамий ан-Наҳвий бўлиб, у «Зайн ал-машойих» лақаби билан машҳур эди. Ёкут ал-Ҳамавий унинг ҳақида: «Ал-адабда у имом, лисон ул-арабда ҳужжат (ишончли олим), луғат ва ал-иъробни аз-Замахшарийдан ўрганиб, кейинчалик унинг ўрнига ўтирган эди. Ҳадис илмини устози аз-Замахшарий ва бошқалардан ўрганди. У әътиқоди кучли, олижаноб, соф вижданли киши эди. Унинг бир қанча асарлари бўлиб, улардан «Мифтоҳ ат-Танзийл» («Куръон жалити»), «Тақвийм ал-лисон фи-н-наҳв», «Ал-иътоб фи-л-иъраб», «Ал-Бидоя фи-л-маоний ва-л-баён», «Китоб манозил ил-араб» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин», деб ёзади.

Абу Юсуф Ёқуб ибн Али ибн Мұхаммад ибн Жаъфар ал-Балхий ал-Жандалий аз-Замахшарий билан доимо бирга бўлар, ундан сира ажралмасди. У айниқса ал-адаб илми бўйича ўз устозидан кўп сабоқ олиб, бу соҳада етук олим бўлиб етишди. Ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Абу Саъийд Исҳоқ Абу-л-Муайяд ҳам аз-Замахшарийнинг муносиб шогирдларидан бўлиб, «Ахтабу Хваразм» («Хоразмнинг энг чечан хатиби, сўз устаси») лақаби билан машҳур эди. У кўп илмлар соҳасида етук олим, фақиҳ ва шоир бўлиш билан бир қаторда ўта фозил киши, араб тилининг билимдони сифатида ўоятда машҳур эди. У ҳижрий 484 йилда туғилиб, 568 йилда вафот этган.

Аз-Замахшарийнинг бошқа шогирдларидан табарис-

тонлик Абу-л-Маҳосин Исмоил ибн Абдуллоҳ ат-Таъвийлий, абивардлик Абу-л-Маҳосин Абдурраҳим ибн Абдулло ал-Баззор, замахшарлик Абу Амру Омир ибн ал-Ҳасан ас-Симсор, самарқандлик Абу Сайд Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шотий, хоразмлик машхур фақиҳ Абу Тоҳир Сомон ибн Абдулмалик ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Аз-Замахшарийга шогирд тушганлардан бири Али ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳос Абу ат-Тайиб эди, бу фозил, олиёнаноб инсон Макка аҳлидан бўлиб, қазм ва насрда бир қанча асарлар ёзганди. Аз-Замахшарий Маккадалигида унга сабоқ берган эди. Ўз навбатида, тарихчи Иби ал-Қифтий қайд қилганидек, аз-Замахшарий ҳам Иби Ваҳҳоснинг илмидан истифода этган. У 550 ҳижрий санада вафот этган. Юқорида зикр қилинган илм толиблари аз-Замахшарий билан шахсан мулоқотда бўлиб, ундан таълим олишган. Аммо аз-Замахшарийни шахсан кўрмаган-у, фақат унинг асарларини ўқиб ўзларини олимнинг шогирди ҳисоблаган, асарларини ривоят қилиш учун ижозат сўраган олимлар ҳам қўпчиликни ташкил этади. Мисол тариқасида улардан бир қанчасини эслатиб ўтамиш. Зайнаб Бинт аш-Шаърий етуқ олима сифатида қўпчиликка, шу жумладан таниқли адиг ва тарихчи Иби Ҳалликонга ҳам устозлик қилган. Шу билан бир қаторда Зайнаб Бинт аш-Шаърий аз-Замахшарийни устоз сифатида тан олган. Аз-Замахшарийни ўзига устоз билганлардан яна бири искандарилик олим ал-Ҳофиз Абу ат-Тоҳир Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Салафийдир. Шиҳобуддин Аҳмад ибн Али ал-Ҳасаний ал-Моликий, Абу Тоҳир Баракат ибн Иброҳим ал-Хушуъий ҳам аз-Замахшарийни ўзларига устоз деб тан олганлар. Ҳақиқатан ҳам аз-Замахшарийнинг асарларидан кенг кўламда фойдаланиб, унинг ғояларини ўзларига дастурул-амал қилганлар жуда ҳам кўп эди. Чунончи, аз-Замахшарий, Иби ал-Қифтий ибораси билан айтганда, «ўз даврининг алломаси, гайри араблар ўртасида араб тилида ижод қилганларнинг энг пешвоси, бу тилда ёзилған барча асарлардан хабардор забардаст аллома даражасига етган эди».

Бу ўринда филология фанлари доктори, профессор Н. Иброҳимовнинг хоразмлик буюк олим ҳақидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир: «Хоразмдан етишиб чиққан улуғ аллома Маҳмуд аз-Замахшарий араб тилининг грамматикаси ҳақида кўп қимматли асарлар ярат-

ган. Араблар айтадиларки: «Агар шу кўса, чўлоқ бўлмаганида араблар ўз тилларини билмас эдилар!» Араб тилининг грамматикаси, лексикаси, умуман араб тилшунослигига оид бир қанча асарларни шу ногирон донишманд яратган. Бу китоблар шу кунгача мусулмон Шарқида долзарблигини, қимматини йўқотмаган. Афсуски, ўзимизнинг олимларимиз, бу ишга қўл уришганига анча бўлганига қарамай, баъзи мақолалар, китобчалар билангина чекланиб қолмоқдалар. Аз-Замахшарий мероси бўйича бир қанча номзодлик, докторлик диссертациялари ёқлаш мумкин.

## АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ВА РАШИДУДДИН АЛ-ВАТВОТ

Ўрта асрларда Хоразмда илм-фан ва маданият ғоят тараққий қилган эди. Маданий ҳаётнинг буидай ривожига маҳаллий (ерли) олиму адилар, шоирлар билан бир қаторда турли сабабларга кўра узоқ эллардан, хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб ижод қилган адид ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Айниқса, XI–XIII асрларда — Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида Хоразмда илм-фан аҳллари, шоиру адилар кўплаб тўпланган эдилар. Шулар жумласидан андалузиялик олим ва сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080–1169), Ибн Аний номи билан танилган шомлик машҳур шоир Шарофуддин Муҳаммад иби Наср (1144–1232), 1153 йилда Хоразмга келган ал-Қози Ёқуб иби ал-Жандий — у ҳақда араб тарихчиси Ибн ал-Асир: «У (ал-Жандий) фозил киши бўлиб, яхши шеърлари бор эди», деб ёзган, машҳур олим ва котиблардан саналган, Хуросоннинг Наса шаҳридан Хоразмга келган Муҳаммад иби Аҳмад иби Али иби Аҳмад ан-Насавий, бу ўлкага келиб, то вафотигача шу ерда яшаб ижод қилган адилардан яна бири ал-Қассоб номи билан машҳур «Сарийъ ал-Қаағ» лакабли нишопурлик адид Муҳаммад иби ал-Ҳусайнни кўрсатиш мумкин. Лекин ўша даврда Хоразмга келиб, шу ерда яшаб ижод қилганлар ичида асли балхлик шоир ва адид, машҳур котиб Рашидууддин ал-Ватвот алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад иби Муҳаммад иби Абу жалил ал-Умарий бўлиб, у Рашидууддин ал-Ватвот номи

билан машхурдир (ватвот—арабча кўршапалак бўлиб, у бўйи паст, тепакал ва башараси хунук бўлганидан шундай ном билан аталган бўлса керак).

Рашидуддин ал-Ватвот 487 ҳижрий (1094 милодий) йилда Балхда туғилиб, ёшлиқ йиллари шу шаҳарда ўтган. Балх ўша пайтда Хуросоннинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаган йирик шаҳарларидан бири ҳисобланиб, унда кўпдан-кўп мадрасалар, масжидлар ва кутубхоналар мавжуд бўлган. Ал-Ватвот ўша пайтда Балхнинг энг эътиборли мадрасаларидан бири саналган Низомия мадрасасида таникли олим имом Абу Саъд ал-Харавийдан таҳсил олган. У мадрасани муваффақиятли та момлаб, амалий фаолият билан шуғулланади ва тез орада ўз даврининг кўзга кўринган шоири ва адаби сифатида танилади. Сунгра у Хоразмга келиб, ўзининг таъкидлашича, умрининг охиригача бу ерда яшайди. Ал-Ватвотнинг Хоразмга келган йилини ҳозирча аниқ айтиш мумкин бўлмаса-да, у бу ерда ўттиз йил чамаси бўлганини ҳисобга олсан, у Хоразмга XII асрнинг ўрталарида, етук шоир ва котиб сифатида эл орасида кенг танилганидан кейин келган бўлса керак деб таҳмин қилиш мумкин. Чунки у хоразмшоҳлар саройида катта ҳурмат ва эътибор билан қарши олиниб, аввал Хоразмшоҳ Отсиз, кейин унинг ўғли Алоуддин Текиш саройида маҳсус котиб (котиб ал-хосс) вазифасини ўтаб, ҳукмдорларга яқин кишилардан бири бўлиб қолади. Ҳокимлар ўртасидаги расмий мурасолатлар (ёзишмалар)нинг нозик ва нафис жиҳатларини тўла эгаллаганилиги, мактублар жанрини пухта ўзлаштирганилиги, араб ва форс тилиларини мукаммал билганилиги, шубҳасиз, ал-Ватвотнинг хоразмшоҳлар саройида энг эътиборли кишилардан бири бўлишида катта роль ўйнади. Унинг фаолиятидаги қисқа муддатни ҳисобга олмаганда ал-Ватвот то умрининг охиригача (у 1182 ёки баъзи манбаларда кўрсатилишича 1191 йилда Хоразмда вафот этган) хоразмшоҳлар саройида хизматда бўлди.

Рашидуддин ал-Ватвот ўз даврининг машхур шоири, адаби ва котиби бўлиб, ҳам араб, ҳам форс тилида баракали ижод қилган. У ўз ижодий фаолияти мобайнида йигирмадан ортиқ насрий ва назмий асалар яратган бўлиб, уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Биз унинг «Ар-Расоил» («Мактублар») асари хусусида бир қадар муфассал тўхталамиз. Араб тилида ёзилган бу мактублар 1156—1173 йиллар орасида битилган

бўлиб, Хоразмшоҳ Отсизнинг (у 1127—1156 йилларда ҳокимлик қилган) набираси султоншоҳ Маҳмудга (у 1172—1193 йилларда ҳокимлик қилган) бағишланади. Ал-Ватвотнинг бу мактублари «Мажмуат ар-расоил» («Мактублар тўплами») номи билан аталган бўлса-да, ҳозирги илмий адабиётларда қисқача «Ар-Расоил» («Мактублар») деб юритилади. Маакур мактублар дастлаб Муҳаммад Афанди Фаҳмий томонидан 1898 йилда Қоҳирада нашр қилинганди. Шунингдек, ал-Ватвот мактубларининг бир қисми кейинчалик СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Ленинград бўлимининг қўлёзмалар фондидага сақланаётган с 816 рақамли қўлёзмага ҳам киритилган.

«Ар-Расоил» икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми ҳалифалар, султонлар, ҳоқонлар, вазиру амирлар, ҳокимлар, қози ва муфтийлар номига жўнатилган турли туман мактублардан, иккинчи қисми эса олимлар, юкори маңсабли амалдорлар, машхур шахслар, шоиру адиллар ва муаллифнинг ўз дўсту биродарларига йўллаган битикларидан иборатdir.

«Ар-Расоил»да ўша давр сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига доир кўпдан-кўп маълумотлар келтирилган. Рашидуддин ал-Ватвотнинг мактубларини ўрганиш жараёнида унинг ўз она шахри Балхдан Хоразмга келиш сабаблари бир қадар ойдинлашади. Чунончи у Балх аъёнларидан кимгадир йўллаган мактубларидан бирида Балх аҳли ўзига нисбатан инсоф юзасидан иш тутмаганлиги, улар бу билан унинг фазилатларини тан олишмагани, ўз алининг дури, яхшиларининг пешвоеси бўлган ўнундай кишини унугланларидан қайд қилинади. Шунга кўра ал-Ватвотнинг Хоразмга келиши сабабларидан бири — унинг ўз ютида муносиб эътибор ва иззат-икром кўрмаганлигига эканлигини сезиш қийин эмас.

Ал-Ватвот ўз даврининг кўпгина адаб ва шоирлари билан шахсан таниш бўлиб, уларнинг аксарияти билан хат ёзишиб турган. Ал-Ватвотнинг ўз замондоши хоразмлик машҳур олим, адаб ва шоир Маҳмуд аз-Замахшарий билан муносабатлари дикқатга сазовордир. Манбаларда келтирилишича, ал-Ватвот аз-Замахшарийга шогирд тушиш истагини билдириб, асарларидан кенг кўламда фойдаланиш учун ундан рухсат олишга муяс-сар бўлган. Ал-Ватвот «Ар-Расоил»да келтирилган бир мактубда ўша пайтда Маккада яшайтган аз-Замахшарийга: «Ҳар қанча ҳохишим бўлса-да, имконим йўқли-

ги-ю, насиб этмаганлиги туфайли Маккани зиёрат килишдек улуғ неъматдан маҳрумман», деб изтироб билан ёзди.

Рашидуддин ал-Ватвот билан аз-Замахшарий ўртасида кўпдан-кўп ижодий баҳслар, дўстона сұхбатлар ва мулоқотлар бўлиб ўтган. Ушбу учрашувларга асосланниб ал-Ватвот аз-Замахшарийнинг олим сифатидаги бальзи хусусиятлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради. «Устоз (аз-Замахшарий) билан ўртамизда—унинг ижодий фаолияти даврида ҳам, роҳатда бўлган вакътларида ҳам—адабиётнинг турли жиҳатлари ва араблар илмларининг ҳар хил масалаларига оид кўпдан-кўп илмий сұхбатлар бўлган эди. Шу сұхбатлар чоғида устоз менинг сўзларимга диққат билан қулоқ тутар ва мен кўтарган масалаларга ғоятда эътибор билан қараб, кўпинча уларни маъқулларди. Чунончи мунозара чоғида ҳақиқатга амал қилишлик унинг саодатли ишларидан эди. Кейин у ўзи маъқул тонган масалаларни яна бирин-кетин санаб чиқарди... Устознинг гўзал фазилатларидан ушбу арзимас бир мисолни ёшларни (ундан) воқиф қилиш ниятида келтирдим,—деб ёзди Рашидуддин ал-Ватвот.— Чиндан ҳам бу инсон—гарчанд барча билимларни (тӯла) эгаллаган ва жамъий воқеаларнинг соҳиби бўла туриб—ҳақиқатнинг аччиқлиги-ю, ҳалолу покликнинг (қайноқ) ҳароратига қарамасдан ўта сабр-тоқатли киши эди. Ҳатто ўзига зарар бўлса-да, у доимо адолат юзасидан иш тутар эди».

Яна бир ўринда Рашидуддин ал-Ватвот аз-Замахшарийга мактуб йўллаб ёзди: «Жаноб олийлари Жоруллоҳ аз-Замахшарий илм толибларига фойда келтиришда феъл-авторлари кенг ва бу борада у жаноб ғоятда саҳидир. Шунга кўра ўз ўтирган муқаддас (Маккада яшаётган) жойларидан туриб ёхуд хати-шарифлари орқали—чунончи бу бутун умрим бўйича мен учун бир катта шараф, узоқ ойлару йиллар давомида (мен учун) бир фахр бўлиб қоларди—ёинки ўз хизматкорлари жамоасидан ва жаноблари неъматлари бўстонидан баҳраманд бўладиганлардан тўғри сўзлигига ишонадиган ва ушбу риссолани етказишига таянадиган бирор киши орқали рухсат беришинлизни ўтиниб сўрайман. Бу борада ҳазратлари маъқул кўрган фикр энг олий ва ғоятда тўғридир». Натижада аз-Замахшарий ўз асарларидан фойдаланиш учун ал-Ватвотга ижозат берган.

Ҳатто аз-Замахшарий вафотидан кейин ҳам Рашид-

дуддин ал-Ватвотнинг ўз устозига нисбатан ҳурмати баланд бўлиб, уни бениҳоя улуғлаган ва устози асарларини ҳар хил ноўрин тузатиш ва ўзгартиришлардан ҳимоя қилган. Бу хусусда ал-Ватвот ўша давр машҳур олимларидан бирига йўллаган мактуб ғоятда ибратлидир: «Яқинда қўлимга устоз (аз-Замахшарий)нинг «Асос ал-балоға» асарининг бир нусхаси тушиб қолди. Қарасам, асарга шундай ўзгартиришлар қиритилганки, буларни эътиборсиз шу зайлда қолдиришни виждоним мақбул кўрмайтири... Башарти оллоҳ умрларини узоқ қилгур ҳазратлари (яъни сиз) маъкул кўрсалар, мен ушбу нусхани оллоҳ руҳини мунааввар қилгур Жоруллоҳ аз-Замахшарийнинг шахсан ўzlари кўриб чиққан нусха билан муқобил қилиб, ўзгартирилган ғалат ибораларни тузатаман. Жанобларига мени томонимдан бениҳоя кўп шукурлар ва битмас-туғанмас ҳамду санолар бўлсин».

Рашидуддин ал-Ватвот ўз даврининг кўигина адаб ва шоирлари билан яқин муносабатда бўлганлигини олдин эслатган эдик. Шу маънода унинг адаб ал-Ҳасан ал-Қаттон билан ёзишмалари эътиборга моликдир. Ал-Ватвотни яхши билган, дунёнинг қўп мамлакатлари қатори Хоразмни ҳам зиёрат қилган машҳур араб олими ва сайёхи Ёқут ал-Ҳамавий (1179-1229) ўзининг машҳур «Муъжам ал-удабо: («Адиблар қомуси») асарида; «Мен Марвда бўлганимда шайх Фахриддин Абу Музаффар Абдураҳим тож уя-Ислом Абду Саад ас-Самъоний менга ал-Ҳасан ал-Қаттон Рашидуддин ал-Ватвотга йўллаган мактубидан бир қисмини кўрсатган эди. Бу хатда у ал-Ватвотни ўз китобларини ўғирлашда айблаб, уни роса койиганини кўрганиман», деб ёзади. Дарҳақиқат, ал-Қаттон билан ал-Ватвот ўртасидаги ёзишмаларда ал-Қаттон учи китобларини ўғирлашда айблайди. Лекин ал-Ватвот ўз жавобида буни тухмат ва бўлтон деб рад қилиб қуидаги жавобни ёзди: «Мен бўлсам—оллои таоло билганидек—горат қилиш тугул уни эшигини ҳам очмаганиман, на унинг (ал-Қаттонни) бирорта китобини ўғирламаганиман. Лекин лутфан қилган илтимосига кўра китобларини (бошқа) қароргоҳига қўчириб ўтказиш учун бир куни уникига борган эдим. Хонадонига кирганимда беҳад даражада кўп китобларни кўрдим ва унга, бунчалик кўп китобларни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш қийин иш, дедим-да, китобларни ўз жойида қолдириб, қандоқ кирган бўлсам шундайин халтаю-ҳақибам (сумкам) бўш ҳолда

үйидан чиқиб кетдим». Бу тарадаги хатлар адиллар бир-бирларининг насрий ва назмий ижодларидан иборалар олишлари ва бир-бирларини күчирмачиликда айлашлари азалдан бўлган иллат эканлигини ҳам кўрсатди.

Рашидуддин ал-Ватвот Хоразмда яшаган давр, аввал айтиб ўтганимиздек, хоразмшохлар салтанат юритган даврга тўғри келади. Унинг мактубларидан бири орқали Хоразмда ўша пайтда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлганини биламиз. Шу боисдан ҳам хорижий эл-юртлардан турли-туман табақага мансуб кўплаб одамлар келиб Хоразмда яшаганлар. «Хоразм шу дара жага бориб етдики,—деб ёзади Рашидуддин ал-Ватвот,— у кўрқсан ва хавф-хатарга тушганлар учун бехатар макон, элма-эл кезиб юрадиганлар учун маскан, мусофири гарибларга манзилгоҳ, дарвишлар учун паноҳжой (бошпаноҳ) бўлиб қолди. Одамлар Хоразмга ҳар тарафдан ўз кулфату мусибатларидан изтиробга тушиб, ҳасрату надоматларидан қалблари куйиб-ёниб нажот излаб келардилар-у, барча иллатлари шифо топган, дарду аламлари бартараф бўлган, жамийки юмушташвишларидан қутулган ҳолда Хоразмдан қайтардилар. Аллоҳ таолога—кенг кўламли бундай улуғлиг-у, бу даражадаги олий ҳимматни муяссар кўрганлиги учун беҳад ҳамду санолар бўлсин».

Ал-Ватвот мактубларидан ўша даврда Хоразмдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўламиз. Жумладан, мактублар ёрдамида ал-Ватвот кофирлар (ахл ал-куфр) деб атаган турқ кўчманчи қабилалари вақти-вақти билан Хоразмга ҳужумлар уюштириб турганлигини биламиз. Хоразмнинг оғир иқлими — ёзда жазирама иссиғи, қишида қаҳратон совуғи ҳақидағи хабарлар билан бир қаторда, ўша пайтда Хоразмда яшаган кўпгина олимлар, шоир ва адиллар, илмий-маърифий тўгаракларниң фаолияти ҳақида ҳам катта тасаввурга эга бўламиз.

Рашидуддин ал-Ватвот мактублари тили ва услубининг нағислиги, ибораларининг теранлиги билан ҳам ажралиб туради. Унинг аз-Замахшарийнинг шогирди қози Жамолуддин Еқуб ибн Ширин, аббосийлар халифи ал-Муктафий, шоир ал-Ҳоқоний, салжуқийлар сultonи Санжарнинг сарой шоири Собир ибн Исмоил ат-Термизийга йўллаган мактубларида юксак бадиий маҳорат эгаси эканлигини, насрий сажъ услубидан фоятда усталик билан фойдаланганини, котиблик

санъатининг сиру асрорларини бекаму кўст эгаллаганини кўрамиз.

Юқоридагилардан хulosа қилиб айтиш керакки, аз Замахшарийнинг замондоши, Хоразм заминида узоқ муддат яшаб ижод қилган балхлик шоир, адаб ва котиб Рашидуддин ал-Ватвот қолдирган илмий вадиадабий меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳам, шубҳасиз, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихи ва маданиятини тўла ёритишида муҳим аҳамият касб этади.

## АЗ-ЗАМАХШАРИЙНИНГ ИЛМИЙ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Буюк мутафаккир аз-Замахшарий бизга бой ва улкан илмий мерос қолдириган. У тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид эллиқдан ортиқ асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти бизгача етиб келган.

Аз-Замахшарий ижодининг кенг кўламлилиги ва унинг илм-фан оламида тутган ўрнини билиш мақсадида унинг замондошлари ва кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар айтган фикр-мулоҳазалардан айримларини келтирамиз. Машҳур тарихчи Ибн ал-Қифтий у ҳақда бундай деган: «Худо раҳмат қилғур аз-Замахшарий илм ул-адаб, нахв ва луғат бобида ўзгаларга мисол бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган бўлиб, тафсир, ҳадис, нахв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бордир. У ўз аерида араб тилида ижод қилган ажамлилар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир». Машҳур олим Ибн Халликон ёзди: «Аз-Замахшарий тафсир, ҳадис, нахв, луғат ва илм ул-баён бўйича буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асарларнинг муаллифи эди». Аз-Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган таниқли Миср тарихчиси Ибн Тагриберди аллома тўгрисида: «Шайх, буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг энг пешвоси ва имоми бўлган», деб қайд қилган.

Аз-Замахшарий ўз илмий ва ижодий фаолиятида, аввал татъкидлаганимиәзек, араб тили ва адабиётига чуқур ҳурмат билан қараган ва ўз асарларини фақат араб тилида ёзган. Унинг асарлари мазмун жиҳатидан

илм-фанинг кўпгина (айниқса ижтимоий) соҳаларини қамраб олган бўлиб, уларнинг сони ироқ олими доктор Фозил Солиҳ ас-Самарийнинг ёзишича, элликдан ҳам ошиб кетади. Олимнинг асарларини мазмунига қараб, асосан куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- а) диджий илмлар ва уламолар ҳақида;
- б) лугатшунослик;
- в) грамматика (нахъ);
- г) аруз;
- д) адабиёт;
- е) мантиқ.

Хоразмлик буюк аллома аз-Замахшарий элликдан ортиқ асарлар ёзганлиги ҳақида юқорида қайд қилган эдик. Бахтимизга уларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Олим асарларининг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари дунёнинг йирик шарқшунослик марказларида сақланади. Алломанинг кўп асарлари эса қайта-қайта нашр қилинган ва ҳозирги вақтда ҳам тадқиқотчилар томонидан янги-янги нашрлари тайёрланиб, чоп этилмоқда.

Буюк ватандошимиз ижодига бўлган қизиқиши айниқса хорижий Шарқ мамлакатларида бугунги кунда ҳам жуда катта. Мамнуният билан шуни қайд қилиш керакки, мустақил Ўзбекистонимизда ҳозирги вақтда содир бўлаётган улкан ўзгаришлардан бири—бой ва қадимий маданий меросимиз, тарихимиз, динимиз, қадриятларимиз, маданиятимизни муносиб баҳолаш ва янада равнақ топтиришга алоҳида аҳамият берилаетганидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳаёти ва самарали ижодий фаолияти деярли ўрганилмаган, ҳали бирорта ҳам асари тўлиғича ўзбек тилига таржима қилинмаган буюк аллома аз-Замахшарий тадқиқотчиларимиз диққатини ўзига тортиши табиийдир.

Шу боисдан ҳам биз бу рисоламида аз-Замахшарийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлган асарларининг ҳар бири ҳақида имкони борича маълумот беришга ҳаракат қилдик. Ушбу маълумотлар мазмuni ва ҳажми жиҳатидан бир хил тарзда тўлиқ бўлмасада, қелгусида аз-Замахшарий ижоди билан шуғулланувчилар учун фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз. Олимнинг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, илм ахлларига яхши таниш «Ал-Кашшоф», «Ал-Муфассал», «Муқаддимат ул-адаб», «Асос ал-балога» каби машҳур асарлари ҳақида кенгроқ, муфассалроқ ёзган бўлсак, унинг

фақатгина тор доирадаги мутахассисларга маълум айрим асарлари тўғрисида эса ихтиёризмидаги қисқа, мухтасар маълумотларни келтириш билан чегараландик.

## «АЛ-МУФАССАЛ ФИ САНЬАТ АЛ-ИЪРАБ» («ФЛЕКСИЯ САНЬАТИ ҲАҚИДА МУФАССАЛ КИТОБ»)

Араб тили грамматикасига бағишланниб ёзилган бу асар қисқача «Ал-Муфассал» деб аталиб, аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтида—513—515 йиллар ичидаги ёзилиб (1119 йил декабрининг бошлари—1121 йилнинг март ойи) тугалланган.

«Ал-Муфассал» араб тили нахву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Фарбда ҳам донги кетган асарлардан ҳисобланади. Кўпчилик мунаққидлар аз-Замахшарийнинг бу асари ўз илмий қиммати жиҳатидан таниқли араб тилшуноси Сибавайҳнинг (у 796 йилда вафот этган) араб тили грамматикасига оид машҳур «Китоб Сибавайҳ»идан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлаганлар. Ўша даврнинг ўзидаёт бу асар барча халқлар, ҳатто араблар орасида ҳам катта эътибор қозонади ва араб тилини ўрганишда асесий қўлланмалардан бири сифатида омма орасида кенг тарқалади. Ҳатто Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким аз-Замахшарийнинг ушбу асарини ёд олса, унга беш минг кумуштанга пул ва сарупо совға қилишга ваъда берган. Бир қанча кишилар аз-Замахшарийнинг бу асарини ёд олиб, мукофотга ҳам сазовор бўлганлиги манбаларда келтирилган. Бу мисол аз-Замахшарий асарининг ўша даврда ҳам қанчалик юқори баҳолангандигини кўрсатади. «Ал-Муфассал»нинг бир қўлёзмаси Тошкентда, Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида (5198-рақамда) сақланади. Асарнинг немис тилига таржимаси 1873 йилда напр қилинган. Катта илмий қимматга эга бўлган «Ал-Муфассал»га тилшунос олимлар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Немис шарқшуноси К. Броккельманнинг фикрича «Ал-Муфассал»га ёзилган шарҳларнинг сони ўттиага яқин экан. Асарнинг бириичи нашри 1859 йилда Кристянада Ж. Р. Брош томонидан чоп этилган

(баъзи адабиётларда икки марта чоп атилгани қайд қилинади). «Ал-Муфассал»нинг кўп сояли шарҳларидан энг машхури ўрта асрларда яшаган суриялик грамматик олим Муваффақ ад-Дин Абу-л-Бақо Йаъийш ибн Али ибн Йаъийш ал-Халабий (1158—1245) томонидан ёзилган шарҳ ҳисобланади. Мазкур шарҳ 1882 йилда Лейпцигда икки жилда босилган. «Ал-Муфассал»га ёзилган бошқа шарҳлар ичидан имом Фахриддин Мухаммад ибн Умар ар-Розий (вафоти 606 хижрий йил), Мухаммад ибн Саъд ал-Марвазий (вафоти 609 хижрий йил) ларнинг шарҳи мухимдир, шунингдек, Садр ул-афозил ал-Хоразмий номи билан машхур бўлган Абу Мухаммад Мажд ад-Дин ал-Қосим ибн ал-Ҳусайн «Ал-Муфассал»га учта шарҳ ёзган бўлиб, улардан бири «Ат-Тахмийр» деб аталади. Уйинг қўлёзма нусхалари Британия музейида ва Дамашқда сақланади; Фахриддин ал-Хоразмийнинг «Ал-Муфассал»га ёзган шарҳидан бир қўлёзма нусхаси Дамашқда, «Аз-Зоҳирия» кутубхонасида сақланмоқда. Аз-Замахшарийнинг бу машҳур асари араб мамлакатларида, жумладан, Мисрда бир неча марта нашр қилинганлигини ҳам қайд этиш ўринлиdir.

«Ал-Муфассал фи санъат ил-иъраб» номи билан аталмиш ушбу китобим тўрт қисмдан иборат», деб таъкидлайди аз-Замахшарий китобига ёзган муқаддимасида. Биринчи қисм — исмлар, иккинчи қисм — феъллар, учинчи қисм — кўмакчилар, тўртинчи қисм ушбу ҳоллар муштарак бўлганлардан иборатdir».

## «АЛ-ҚУСТОС» («АНИҚ МЕЗОН»)

Аруз илмига оид бу асарининг тўлиқ номи «Ал-Қустос ал-мустақийм фи иълм ил-аруз» («Аруз илмида аниқ мезон»)dir. Тарихчи Журжи Зайдоннинг ёзишича, «Ал-Қустос»нинг баъзи нусхалари Берлин ва Лейденда сақланади. 1970 йилда Нажафдаги (Ироқ) «Ан-Нуъмон» матбаасида олима Баҳийжа Боқир ал-Ҳусний томонидан «Ал-Қустос»нинг танқидий нашри чоп этилган.

## «НАВОБИҒ УЛ-КАЛИМ»

(«НОЗИК ИБОРАЛАР»)

Аз-Замахшарий Маккада яшаган пайтида ёзилган бу асари «Ал-Калим ан-навобиғ» деб ҳам юритилади. Унинг қўлёзмаларидан бир нусхаси Бағдодда Ироқ Миллий музейида (563-рақамда), ундан ташқари Берлинда (8676), Лейденда (891 ва 92-рақамларда) ҳам сақланади. Насрий сажъ услубида ёзилган бу асар асосан ҳикматлар, насиҳат ва ўғитлар мажмуаси бўлиб, хилма-ҳил мавзуларни қамраб олган. Бу асар араб мамлакатларида бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг 1914 ва 1927 йиллардаги Қоҳира нашри, 1306 ҳижрий иили Байрутда Мұқаммад ал-Қистий ал-Байрутий томонидан бажарилган нашри унинг дастлабки нашрларидан ҳисобланади. Бундан ташқари профессор Баҳийжа Боқир ал-Хусний тадқиқ қилган танқидий нашри эса 1971 йилда «ал-Араб» мажалласида босилиб чиқди. Голландиялик олим Генрих Альберт Шультеин 1772 йилда аз-Замахшарий асарини лотинчага ўгирди. 1876 йилда эса франциялик шарқшунос Барбиер Мейнард томонидан бажарилган тадқиқот асарнинг француэча таржимаси билан чоп этилган. Асар Мустафо Исомуддин томонидан туркчага ҳам таржима қилиниб, 1283 ҳижрий йилда Истамбулда нашр этилган.

«Навобиғ ал-калим»га бир қанча шарҳлар ҳам битилган бўлиб, улардан Самарқандда, Амир Темур саройида ҳизматда бўлган йирик аллома Саъдуддин ат-Тафтазонийнинг (вафоти 792 ҳижрий йил) «Ан-Ниъам ас-савобиғ фи шарҳ ин-навобиғ» («Ан-Навобиғ»нинг шарҳида улкан неъматлар») эътиборга моликдир. Мазкур шарҳ 1286 ҳижрий йилда Қоҳирада чоп этилган.

Хоразмлик олим Абу-л-Ҳасан ибн Абдулаҳоб ал-Ҳивакий ёзган шарҳ (у 770 ҳижрий йилда битилган)дан бир қўлёзма нусха Берлинда (8675-рақамда) сақланади.

## «АТВОҚ УЗ-ЗАҲАБ»

(«ОЛТИН ШОДАЛАР»)

Бу асарнинг тўлиқ номи «Атвоқ уз-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб» («Ваъз ва хутбаларда олтии шодалар») бўлиб, аз-Замахшарий уни Маккадалик пайтида, ўзининг илмий фаолияти барқ урган даврда яратган. Асарнинг дастлабки номи «Ан-Насоих ас-сигар» («Кичик насиҳатлар») деб аталиб, юз мақоладан иборат ибратомуз ҳикматлар, фойдали насиҳат ва гўзал ахлоқий ўғитлардан иборатдир. «Атвоқ уз-заҳаб»га шарҳ ёзган Мирза Юсуфхон ал-Аштиёний шундай ҳикоя қиласиди: «Аз-Замахшарий бу асарини Маккани (байтуллоҳни) тавоғ қилган вақтида ёзгай. Чунончи байтуллоҳни тавоғ қилиб ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб, яна айланган ва шу тариқа юз марта тавоғ қилганидан сўнг юз мақола ёзилган». «Атвоқ уз-заҳаб» асари мазмуни билан танишар эканмиз, муаллиф унда ўз даврининг ижтимоий-иктисодий ва маънавий ҳаётига доир кўп масалаларни қамраб олғанлигини кўрамиз. У мақолаларда золим ҳукмдорларни ҳам, фалсафа ва илм ул-фалак тарафдорларини ҳам кескин танқид қиласиди. Порахур қозиларни, адиллар, илм аҳллари ўртасида бўлган ашаддий кўчирмачиликни, мол-дунёга ҳирс қўйган уламоларни койиб, ижтимоий иллатлар ҳақида очиқ-ойдин ёзади. «Атвоқ уз-заҳаб» бир қанча тилларга таржима қилинган. Жумладан Фон Жозеф фон Хаммер томонидан бажарилган немисча таржимаси арабча асли билан 1835 йилда Венада, уша йили яна Лейпцигда босилган, шунингдек, Густав Файл 1863 (баъзи адабиётларда 1836) йилда Штутгартда бошқа немисча таржимасини нашр эттириди. «Атвоқ уз-заҳаб» билан француз шарқшуноси Барбье Мейнард ҳам қизиқиб, француз тилига қилгая таржимасини 1876 йилда Парижда бостириди. Шунингдек, бу асарнинг туркчага ағдарилган таржимаси 1288 ҳижрий йилда Константинополда чон қилинди. «Атвоқ уз-заҳаб»нинг 1314 ҳижрий йилда босилган Байрут нашри 1321 ҳижрий йилда Мирзо Юсуфхон ибн Иътисом ал-Малик томонидан ёзилган шарҳ (у «Қалоид ул-адаб фи шарҳ «Атвоқ уз-заҳаб» деб аталади) билан Мисрдаги «Тамаддун» матбаасида, 1328 йилда Мисрдаги «Ас-Саодат» матбаасида, 1925 йилда яна қайтадан Мисрда «Ал-Маҳмудия» матбаасида тижорий нашр сифатида босмадан чиқкан.

## **«АЛ-ФОИҚ ФИ ҒАРИБ ИЛ-ҲАДИС» («ҒАРИБ ҲАДИСЛАР ҲАҚИДА АЖОЙИБ АСАР»)**

Араб тарихчиси Ибн ал-Асирнинг ёзишича, аэ-Замахшарий ҳадисларга бағишилаган бу асарини 516 ҳижрий йилда алифбо тартибида яратган. Машхур тарихчи Ибн Ҳажар ал-Асқалоний: «Аз-Замахшарийнинг «Ал-Фоик фи ғариф ил-ҳадис» китоби ғоятда ихчам бўлгани билан мазмунан кенг қамровлиги ва нақллари тўғрилиги билан ажралиб турадиган яхлит бир асардир», деб ёзади. Бу асар 1324 ҳажрий йилда Ҳайдарободда икки жилдда нашр қилинган. 1945-1948 йилларда Қоҳирадаги Исо ал-Бобий ал-Ҳалабий матбаасида тадқиқотчилар Али ал-Бажовий ва Мұҳаммад Абу-л-Фазл Иброҳим бажарган тадқиқот билан бирга чоп этилган.

## **«АЛ-МУҲАЖОТ БИЛ-МАСОИЛ АН-НАҲВИЯ АВ АЛ-АҲАЖИЙ АН-НАҲВИЯ» («ГРАММАТИК МАСАЛАЛАРГА ОИД ЖУМ- БОҚЛАР»)**

Аз-Замахшарийнинг грамматикага доир бу асари кўпгина тарихий асарларда икки хил номда учрайди. Ас-Суютий, ал-Лакнавий ва Тошкопрюзода асарни «Ал-Аҳажий ан-наҳвия» деб зикр қиласалар, Ибн Ҳаликон, ал-Бўстоний ва К. Броккельман эса «Ал-Муҳажот бил-масоил ан-наҳвия» («Наҳв масалалари бўйича жумбоқлар») деб атапади. Шунингдек, бу асар бир қадар бошқа номлар билан ҳам юритилади.

Асар ёзилган йил ҳақида муаллиф ҳеч нарса демаган, лекин у «Ал-Кашшоф»дан (бу асар 528 ҳижрий санада ёзилган) кейин, аз-Замахшарий ҳаётининг охирги йилларида Макка амирларидан бўлган Улай ибн Исо ибн Ҳамза ибн Ваҳҳосга тухфа қилинган. Улай ибн Ваҳҳос олим, фозил ва шариф киши бўлиб, энг фасоҳатли ва балоғатли илм аҳлларидан бири эди. Унинг қаламига бир қатор ажойиб назмий ва насрый асарлар мансуб эди. Ибн Ваҳҳос олдин аз-Замахшарийдан таълим олган бўлса, ўз навбатида аз-Замахшарий ҳам ундан кўп нарса ўргантанди. Улар ўзаро метинде

дўстлик иплари билан шу даражада маҳкам боғланган эдиларки, ҳатто назмда бир-бирларига мадхиялар бағишилардилар. Аз-Замахшарий Ибн Ваҳҳоснинг илмини юксак баҳолаб, ўзининг машҳур китоблари «Ал-Кашшоф»ни ва таҳлил қилаётганимиз «Ал-Муҳожат»ни ҳам унга бағишилаб яратган эди.

## «АСОС УЛ-БАЛОҒА»

### («БАЛОҒАТ АСОСЛАРИ»)

Ҳожи Халифанинг «Кашф уз-зунун» номли машҳур бир библиографик китобида аз-Замахшарийнинг «Асос ул-балоға» («Балоғат (фасоҳат) асослари») ҳақида: «У («Асос ул-балоға») ҳажми катта мазмунан бой, адаб фанининг мустаҳкам асоси бўлиб, унда лугавий мажозлар, адабий ўзига хос хусусиятлар ва фасоҳатли иборалар моддаларига қараб тартиб билан берилган асардир», деб ёзган.

Машҳур адаб Журжи Зайдон асарга юксак баҳо берив, шундай дейди: «Асос ул-балоға» ўз услуби билан араб тилининг бекиёс муҳим музъжамиидир (тўлиқ қомусидир), чунончи у ибораларнинг қўлланилиши ва уларнинг якка ўзи ҳамда матнда келганда жумлалардаги ўрни хусусида баҳс юритади. Агар бирор моддани (бандни шарҳлаш керак бўлса, унинг қўлланиладиган ўринларини аниқ кўрсатади. Шу сабабдан ҳам бу асар ғоятда фойдалидир».

«Асос ул-балоға»нинг бир нодир нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида (5234-рақамда) сақланади.

Аз-Замахшарий ўз асарининг манбалари ҳақида гапириб, арабларнинг фасоҳатли лугатидан, турли туман насрый ва назмий ёзма манбалардан йиқкан (тўплаган) ажойиб ибораларга, шунингдек, бозорларда, масжиду жомелардаги сўзга чечан хатиблардан эшитганларига асосланиб ёзгани ҳақида зикр қиласи. Шу билан бир қаторда «Асос ул-балоға»нинг асосий манбаларини қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

- 1) Қуръони карим;
- 2) пайғамбар ҳадислари;

3) Умар, Али каби халифалар, саҳобалар ва бошқа фасоҳатли нотиқларнинг калимаю сўзлари;

- 4) Жоҳилия, исломдан аввалги ва ислом шоирлари-нинг шеърлари;
- 5) масаллар;
- 6) араблар насрий асарларида қўлланилган иборалар.

## «АЛ-УНМУЗАЖ ФИ-Н-НАҲВИ» (**«ГРАММАТИК НАМУНАЛАР ҲАҚИДА»**)

Бу кичик китоб «Ал-Унмузаж» деб ҳам аталиб, аз-Замахшарий ўзининг «Ал-Муфассал» асаридан қисқартириб олган шаклидир. У бу мўъжаз асарини Мужийр ад-Давла Абу-л-Фатҳ Али ибн ал-Хусайн ал-Ардистонийга ҳада қилган. Бу асар 1289 ҳижрий йилда биринчи марта Қоҳирада «Ал-Мадорис ал-маликия» матбаасида, 1298 ҳижрий йилда эса Истамбулдаги «Ал-Жавоиб» матбаасида аввал Абу-л-Фазл Аҳмад ибн Мухаммад ал-Майдонийнинг «Нузҳат ут-тарғи фи-ilm ис-сарғи», ундан кейин эса Жамолуддин Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ҳишомнинг «Қавоид ал-иъраб» номли китобига илова тариқасида чоп этилган.

«Ал-Анмузаж»га бир қанча шарҳлар ёзилган бўлиб, уларниң қўллёзма нусхалари дунёнинг Қоҳира, Искандария, Бағдод, Берлин, Гота, Париж, Вена, Лондон, Лейден каби шаҳарларида сақланмоқда.

## «ТАЪЛИЙМ АЛ-МУБТАДИЙ ВА ИРШАД АЛ-МУҚТАДИЙ» (**«ИБТИДОГА ЎРГАТИШ ВА ЭРГАШГАНГА ЙУЛ КЎРСАТИШ»**)

Бу асарнинг бир қўллёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дорул-кутуб ал-мисрия» кутубхонасида (4254-рақамда) «Расоил» мажмуаси сирасида (таркибида) сақланади. Бу китоб араб тилидаги қийин бўлмаган ибораларнинг форсча таржимаси бўлиб, араб тилини дастлаб ўргана бошлиганилар учун мўлжалланган. Жумладан, у китобчада мана шунга ўхшаш савол-жавоблар бор:

«— Мен сенга бир гап айтаман!

— Қандай гап айтасан?

— Шундай гап айтаманки, ундан сен хурсанд бўласан.

— Менга ҳеч қанақа гап айтма, чунки мен сенинг гапингни ҳам, менга қарашингни ҳам истамайман».

## **«РАБИЙЪ УЛ-АБРОР ВА НУСУС-УЛ АХЕР»**

**(«ТАҚВОДОРЛАР БАҲОРИ ВА ФОЗИЛЛАР АХБОРИ»)**

Аз-Замахшарийнинг бу китоби адабиёт, тарих ва бошқа қатор илмларга оид маълумотларни ўз ичига олган йирик асардир. Асарнинг тўрт жилдан иборат бўлган бир қўлёзма нусхаси Бағдоддаги ал-Авқоф кутубхонасида (9786-рақамда), бошқа нусхалари Берлин (8351, 8352, 8353-рақамларда), Лейденда (470-рақамда) сақланади. Шунингдек, асарнинг муҳим бир қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб»да (155-рақамда) мавжуддир. Аз-Замахшарийнинг бу асари Нуриддин Мұҳаммад ибн Неъматуллоҳ Шаваштарий томонидан форс тилига ҳам таржима қилинган бўлиб, у «Захр ур-рабийъ» («Баҳор гуллари») деб аталади. Ушбу таржиманинг кўпдан-кўп қўлёзма нусхалари бўлиб, улар жаҳоннинг турли қўлёзма жамғармаларида сақланади. Шунингдек, «Рабийъ ул-аброр» турк олими Ошиқ ал-Чалабий (вафоти 979 ҳижрий йил) томонидан турк тилига ҳам ағдарилган. Ундан бир нусха Венада (378-рақамда) сақланади. «Рабийъ ул-аброр»нинг муҳтасар ҳолга келтирилган нусхалари ҳам бир қанчадир. Асар Қоҳирада ҳам нашр қилинган. Ироқлик олима Баҳийжа Боқир ал-Хусний «Рабийъ ул-аброр»нинг баъзи қисмлари устида тадқиқот олиб бориб, уларни нашр эттирган.

## **«АР-РИСОЛАТУ ФИ КАЛИМАТ ИШ-ШАҲОДА»**

**(«ШАҲОДАТ КАЛИМАСИ ҲАҚИДА РИСОЛА»)**

Гарчи баъзи олимлар (масалан, ал-Хуфий) аз-Замахшарийнинг бу асарини диний илмлар мажмуасига

киритсалар-да, аслида бу асарда грамматикага оид фикр устун бўлиб «шаҳодат» калимасининг сўз туркумлари асосида тусланиши ҳақида баҳс юритилади. Бу асарни олимга Баҳийжа Боқир ал-Хусний тадқиқ қилиб, уни Ироқ фанлар академиясининг махсус журнали (15-сони) да нашр эттирган. Журжи Зайдоннинг таъкидлашича, бу асарнинг баъзи нусхалари Берлинда сақланар экан.

## «САМИЙМ УЛ-АРАБИЯ» («АРАБ ТИЛИНИНГ НЕГИЗИ»)

Аз-Замахшарий ҳаёти ва ижодини ўргангандан баъзи олимлар, масалан, ал-Хуфий муаллифнинг бундай асари борлигини шубҳа остига қўядилар. Бироқ кўп тадқиқотчилар эса аз-Замахшарийнинг шу номли асари бўлганлигини таъкидлаганлар. Багдодда, Ироқ Миллий музейи қошидаги кутубхонада аз-Замахшарийга мансуб «Самийм ул-арбия» (1002-рақамда) номли бир қўллэзма сақланади. Унинг тифлифи «Бу аллома Жоруллоҳ аз-Замахшарий қаламига мансуб «Асос ул-луғат» асарининг муҳтасар шаклидир», деган жумла ёзилган. Профессор ас-Самараийнинг фикрича, «бу асар аз-Замахшарийнинг «Асос ул-луғат» асарининг муҳтасар шакли бўлиши мумкин эмас, чунки бу иккала асарнинг ёзилиш услуги бир-биридан тамомила фарқ қиласди. Афтидан, у Ибн ас-Сакийтнинг «Ислоҳ, улмантиқ» ёки шунга ўхшаш китоблардан бирининг муҳтасар қисмидир». Яна шуни қайд қилиш керакки, аз-Замахшарийнинг «Асос ул-луғат» номли асари бўлмай, бу ўринда эҳтимол унинг қаламига мансуб «Асос ул-балоға» асари назарда тутилаётган бўлса керак. Бу масаланинг бир томони. Йккинчи томондан, бу муҳтасар қисмда келтирилган матнни чуқур ўрганилса, у аз-Замахшарийнинг «Самийм ул-арбия» асари бўлмай, балки Фасийҳ Саалабнинг китобига ёзилган ва айнан шу ном, яъни «Самийм ул-арбия» деб аталган шарҳи эканлиги аён бўлади.

## **«АЛ-ҚАСИДА АЛ-БАУДИЯ»**

**(«ЧИВИН ҲАҚИДА ҚАСИДА»)**

Аз-Замахшарийнинг ал-Ғаззолий кўтарган масалаларга бағишиланған бу асаридан бир нусха Берлинда сақланади (7686, 7687-рақамларда). Ироқ олимаси доктор Баҳийжа Боқир ал-Ҳусний аз-Замахшарийнинг ушбу асарини тадқиқ қилган бўлиб, уни «Ал-Устоз» журналида чоп эттирган.

Қомус тарзидағи бу китоб уч минг тўрт юз олтмиш бир масални ўз ичига олади. Масаллар алифбо тартибида берилган. Аз-Замахшарий бу асарини 499 ҳижрий санада ёзиб тугатган. Олим Муҳаммад Абдураҳмоннинг асар ҳақидағи тадқиқоти Ҳайдарободдаги «Мажлис Доират ул-маориф ал-Усмония» матбаасида 1381 ҳижрий (1962 милодий) йилда нашр этилган. Унинг бир қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб ал-Мисрия» кутубхонасида, бошқа нусхалари Европанинг бир қанча йирик шаҳарларидағи қўлёзмалар жамғармаларида сақланади.

## **«АЛ-МУЪЖАМ АЛ-АРАБИЙ АЛ-ФОРСИЙ»**

**(«АРАБЧА-ФОРСЧА ҚОМУС»)**

Доктор ал-Хуфий «Аз-Замахшарий» деб аталаған китобида асарнинг номини шу зайлда келтиради. Эҳтимол бу асар муаллифнинг «Муқаддимат ул-адаб» асарининг туркча (ал-Хуфийда хоразмча) таржимасидир. Бу таржима 1951 йилда Истанбулда нашр қилинган. Асарнинг Ветсштайн томонидан бажарилган нацири эса 1843 йили Лейпцигда чоп этилган.

## **«АЛ-МИНҲОЖ ФИ-Л-УСУЛ»**

**(«УСУЛ (ИЛМИ)ДАГИ ТАРТИБОТЛАР»)**

Аз-Замахшарийнинг бу асари ҳақида Ёқут ал-Ҳамавий, Ибн Халликон, Абу-л-Ҳасанот ал-Лакнавий, Ибн Қутлубуга, Исмоил Пошта ал-Бағдодий, шунингдек, немис шарқшуноси К. Броккельман ҳам ёзишган ва уни «Ал-Минҳож фи усул ид-дийн» («Дин асослари

ҳақида дастур») номи билан зикр қилинганд. К. Броккельманнинг ёзишича, «Ал-Минхож»нинг бир қўлёзма нусхаси Берлинда (615-рақамда) сақланади.

## «АЛ-МУФРАД ВА-Л-МУАЛЛАФ ФИ-Н-НАҲВИ»

(«ГРАММАТИКАДА БИРЛИК ВА КЎПЛИК»)

Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Кўпрули кутубхонасида (1393-рақамда), ундан кўчирилган бошқа бир нусхаси (3740-рақамда) Лалалийда сақланади. 1967 йилда Ироқ олимаси доктор Баҳийжа Боқир ал-Хусний томонидан тадқиқ қилинганд бу асар Ироқ Фанлар академиясининг журналида (15-сонида) нашр қилинганд.

## «АЛ-МУФРАД ВА-Л-МУРАКҚАБ ФИ-Л-АРАБИЯ»

(«АРАБ ТИЛИДА БИРЛИК ВА КЎПЛИК»)

Бу асар, баъзи муаллифлар таъкидлаганидек, «Ал-Муфрад ва-л-Муаллаф фи-н-наҳви» асари билан бир асар эмас. Чунончи, Ёқут ал-Ҳамавий ҳам («Иршод ул-арийб», 7-жилд, 150-бет), Ибн Халликон ҳам («Вафа-йот ал-аъён», 4-жилд, 254-бет) уни ажратиб, алдоҳида асар сифатида кўрсатишган. Шу билан бир қаторда доктор ал-Ҳуфий уларнинг иккаласини бир китоб деб кўрсатган.

## «НУЗҲАТ УЛ-МУСТААНИС» («ДЎСТЛАР ФАРОГАТИ»)

Ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулнинг Оя София кутубхонасида (4331-рақамда) сақланади. Профессор ас-Самараийнинг фикрича, бу асар аз-Замахшарийнинг бошқа йирик асари «Рабийъ ул-аббор»нинг муҳтасар бир бўлагидир. Мазкур қисм 93 боб-

дан иборат бўлиб, 220 варакни ташкил қилади. Ушбу нусхани 838 йили олтинчи жумодул увлода Али ибн Аҳмад ибн Али Аш-шаай ас-Сейси ал-Фосий кўчирган.

## **«НУКАТ УЛ-АЪРАБ ФИ ФАРИБ ИЛ-ИЛЬ-РОБ»**

**(«ҚУРЪОННИНГ АЖОЙИБ ИФОДАСИДА АРАБЛАР НАФОСАТИ»)**

Ушбу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб ал-мисрия» кутубхонасида сақланади (251026-рақамда). Бу асар асосан «Ал-Кашшоф»дан олинган масалалар маъмуасидан иборат.

## **«АЛ-ЖИБОЛ ВА-Л-АМКИНА ВА-Л-МИЙОҲ»**

**(«ТОҒЛАР, ЖОЙЛАР ВА СУВЛАР ҲАҚИДА»)**

Бу жуғрофий характердаги қомусий асарни ёзишда аз-Замахшарий қўпгина манбалардан фойдаланган. Муаллиф Маккада бўлган пайтида ўзига энг яқин киши — ҳам устози, ҳам шоғирди ҳисобланган Абу-л-Ҳасан Али ибн Исо ибн Ваҳҳосдан олган аниқ ва муфассал маълумотларни ўз китобига киритган ва ҳар сафар унинг номини зикр қўйган. Энг муҳим жойи шундаки, аз-Замахшарий Али ибн Исо ибн Ваҳҳосга таяниб келтирган маълумотлардан машҳур араб жуғрофий олими Ёқут ал-Ҳамавий ўзининг «Муъжам ал-булдон» номли йирик асарида фойдаланган. Ўз навбагида аз-Замахшарий бир қанча ўринларда араб олими ал-Асмоийнинг «Жазийрат ул-араб» («Арабистон ярим ороли») асаридан фойдаланган.

Аз-Замахшарийнинг бу асари Европада биринчи марта 1856 йилда Лейденда, таникли олим Жойнбол-нинг шоғирди шарқшунос Сальвер де Граве томонидан, лотинча таржимаси билан нашр қилинди. Ҳозирги вақтда бу тадқиқот нодир нашрлардан ҳисобланади. Сўнгра 1962 йили Нажафда (Ирок) Ҳайдария матбаасида асарнинг тиҷорат нашри тайёрланди, бироқ бу нашр қатор

хато ва камчиликлардан ҳам холи эмас. Профессор Иброҳим ас-Самараий томонидан тайёрланган бу нашр 1938 йилда Бағдодда, «Ас-Саъдүн» матбаасида босмадан чиқкан.

## «МУҚАДДИМАТ УЛ-АДАБ»

(«АДАБИЁТГА ҚИРИШ»)

Аз-Замахшарийнинг хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффар Отсизга бағишлиб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» асари алоҳида аҳамиятга эгadir. Бу үринда шуни таъкидлаш керакки, хоразмшоҳлар салтанат юритган даврда илм-фан, маданият анчагина тараққий қилган эди. Ҳукмдорлар, айниқса хоразмшоҳ Отсиз олимлар, шоир ва адилларга хурмат ила қарashi билан бир қаторда унинг ўзи ҳам истеъдоли, гоятда маърифатпарвар, адабиётга қизиққан, билимдон бир ҳоким эди. Унинг даврида илм-фан тараққиёти йўлида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилган эди. Шу сабабдан бўлса керак аз-Замахшарий ўзининг ажойиб луғат китоби «Муқаддимат ул-адаб»ни унга бағишлиб ёзган. Асар беш катта қисмдан иборат бўлиб, отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Асарнинг ёзилган йили маълум бўлмаса-да, манбалардаги далилларни ўрганиш натижасида аз-Замахшарий бу асарини Маккадан қайтгандан кейин, 1137 йилда ёзиб тугаллаганлиги аниқланди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, аз-Замахшарий ўзининг бир неча йил давом этган сафарлари чоғида кўпгина араб мамлакатларида бўлди ва шу сафарлари чоғида араб тили, унинг луғатлари ва лаҳжалари хусусида бой маълумот тўплади. Шу боисдан ҳам муаллиф бу асарида ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга ҳаракат қилган, уларни этимология нуқтаи назаридан етарли даражада кенг ва тўла ёритишга интилган. Шу боисдан ҳам аз-Замахшарийнинг бу йириқ асари мазкур хусусиятга эга бўлган дастлабки асарлардан десак ҳеч бир муболаға бўлмайди. «Муқаддимат ул-адаб» форс тилидан ташқари чигатой, мӯғул ва турк тилларига ҳам таржима қилинган. Манбаларда таъкидланишича, асарнинг чигатой тилидаги таржимаси аз-Замахшарийнинг ўзи

томонидан бажарилганлиги фараз қилинади. Бу фикр-нинг тўғрилигига далиллардан биттаси асар, аввал айтиб ўтганимиздек, хоразмшоҳ Отсизга бағишлангаи ва у тушуниши учун асарнинг арабча матни билан биргалиқда чиғатой тилидаги таржимасини ҳам ёзганлиги шубҳасизdir.

«Муқаддимат ул-адаб» асари яратилган давридан бошлаб бир неча асрлар давомида олимлар, тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келаётir. Асар биринчи марта 1706 йилда Хўжа Ноҳоқ Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. Сўнгра Европанинг бир қанча тилларига (француз, немис) ағдарилган. Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча маротаба нашр қилинган. Немис олимларидан Ватзастайн «Муқаддимат ул-адаб»нинг Европа қўлёзма фондларидаги еттига қўлёзмасини қиёсий ўрганиб, 1850 йили Лейпцигда асарнинг икки жилдлик танқидий матнини нашр эттирди. Шунингдек, Ватзастайн бу мукаммал нашрни фихрист билан биргалиқда чоп қилганлиги сабабидан мазкур нашр қимматли манбалардан ҳисобланади. Асарнинг чиғатой тилидаги таржимаси ўзбек тили тарихини ўрганувчилар учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Садриддин Айний ҳам 1921 йили «Меҳнаткашлар товуши» газетасига ёзган мақоласида: «Аз-Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» асари ўзбек тили учун бутун дунёning ҳазинаси билан баробардир», деб ёзган эди. Ҳонаси келганда аз-Замахшарийнинг бу муҳим асарининг бир неча қўлёзмалари Тошкентдаги Шарқшунослик институтида ўз тадқиқотчиларига мунтаzир ҳолда сақланаётганлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлса керак.

## «АЪЖАБ УЛ-АЖАБ ФИ ШАРҲИ ЛОМИЯТ ИЛ-АРАБ» («ЛОМИЯТ УЛ-АРАБ ШАРҲИДА АЖОЙИБНИНГ АЖОЙИБИ»)

Бу асар исломдан аввал яшаган араб шоири Шанфара Аздийнинг (вафоти 570 йил) «Ломият ул-араб» номли машхур қасидасига бағишланиб ёзилган шарҳdir.

Аз-Замахшарий, бу асарида «Ломият үл-араб»ни кўпдан-кўп грамматик изоҳлар билан мукаммал равишда шарҳлаган. Асар дастлаб 1300 ҳижрий йилда Константинополдаги «Ал-Жавоиб» матбаасида нашр этилган. Кейин ҳам бу асар Қоҳирада икки марта — биринчи бор 1324 ҳижрий санада, иккинчи марта эса 1928 милодий санада чоп этилган.

## «МАҚОМОТ АЗ-ЗАМАХШАРИЙ»

(«АЗ-ЗАМАХШАРИЙ МАҚОМЛАРИ»)

Аз-Замахшарийнинг «Мақомлари» олим Маккада биринчи марта бўлганда ёзилган бўлиб, Макка амири Ибн Ваҳдосга тухфа қилингандир. Аз-Замахшарий 512 ҳижрий йилда оғир касалликка учраб, тузалганидан кейин ёзилган ва эллик мақоладан ташкил топган бу асар ибраторумуз ҳикоятлардан иборатdir. Мазкур асарга аз-Замахшарийнинг ўзи томонидан ёзилган шарҳ («Мақомот аз-Замахшарий») киритилиб, у биринчи марта 1312 ҳижрий йилда Қоҳирада чоп этилган. Иккинчи нашри эса 1325 ҳижрий санада Қоҳирадаги «Ат-Тавфиқ» матбаасида амалга оширилган.

## «ШАРҲ АБИАТ КИТОБ СИБАВАЙҲ»

(«СИБАВАЙҲ КИТОБИ БАЙТЛАРИНИНГ  
ШАРҲИ»)

Аз-Замахшарийнинг бу асарини Ибн ал-Қифтий бир қадар соддалаштириб, «Шарҳ китоб Сибавайҳ» деб атаган. Бу асар араб олими Сибавайҳнинг араб тили грамматикасига доир машҳур китобига ёзилган шарҳ бўлиб, унинг бир қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Аҳмад ас-Солис кутубхонасида сақланади. Қўлёзма 111 варақдан иборат. Баъзи олимлар (масалан, ал-Хуфий) бу асар Сибавайҳнинг китобига ёзилган шарҳ бўлмай, балки аз-Замахшарий ўз асарини шундай ном билан зикр қилади, деб таъкидлаганлар.

## **«АЛ-АСМО ФИ-Л-ЛУФАТ»**

**(«ТИЛДА ИСМЛАР»)**

Профессор ал-Хуфийнинг ёзишича, бу мўъжаз битик аз-Замахшарийнинг йирик асари «Муқаддимат ул-адаб»нинг бир жузъидир, чунончи, унинг биринчи қисми исмлар (отлар), тўртинчи қисми эса исмларнинг тусланишига бағишиланган.

## **«АЛ-АМОЛИЙ ФИ-Н-НАҲВИ»**

**(«ГРАММАТИК ҚОИДАЛАРДА ОРФОГРАФИЯ»)**

Аз-Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид бу асарининг номи Ибн ал-Қифтийда шу тарзда зикр қилинган. Бироқ бошқа муаллифлар, масалан, Ибн Халликон «Ал-Амолий фи кулли фанн», Исмоил Пошша ал-Бағдодий эса қисқача «Ал-Амолий» деб зикр қиласкан. Бу асар бизгача етиб келмаган бўлса керак, чунончи, замонавий фиҳристларнинг тадқиқотларида ва каталогларда унинг қўлёзмалари ҳақида ҳозирча ҳеч бир маълумот учратмадик.

## **«КИТОБ ХАСОИС УЛ-АШАРАТ УЛ-КИРОМ АЛ-БАРАРА»**

**(«САХИЙ, КАРОМАТЛИ ЎН КИШИНИНГ  
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ»)**

Аз-Замахшарий бу асарининг бир қўлёзмаси Қоҳирада, яна бир нусхаси эса Берлинда (9656-рақамда) сақланади. Араб олими, профессор Баҳийжа Боқир ал-Хусний тадқиқ қиласкан бу асар 1968 йилда Бағдодда Ироқ маданият ва ахборот вазирлиги томонидан нашр этилган.

## **«АД-ДУР АД-ДОИР АЛ-МУНТАХАБ ФИ КИТАБОТ ВА ИСТИЬАРАТ ВА ТАШБЕХОТ ИЛ-АРАБ»**

**(«АРАБ КИТОБОТ, ИСТИОАРАТ ВА  
ТАШБЕХОТЛАРИДАГИ ТАНЛАНГАН  
ГАВҲАРЛАР»)**

Мазкур асардан бир қисмининг қўлёзмаси Лейпцигда (873-рақамда) сақланади. Асарни профессор Баҳийжа Боқир ал-Хусний тадқиқ қилган бўлиб, у Ироқ фанлар академиясининг 1968 йилги 16-сонли махсус нашрида чоп этилган.

## **«ДИЙВАН УТ-ТАМСИЙЛ» («АССИМИЛЯЦИЯ ҲАҚИДА ДЕВОН»)**

Аз-Замахшарийнинг бу асари кўпгина тарихчилар (масалан, Ибн Халликон, Ёқут ал-Ҳамавий, Исмоил Пошша, Ибн Қутлубуға, ал-Бўстоний ва бошқалар) томонидан зикр қилинса-да, бироқ унинг ҳозиргача етиб келгани ҳақида ҳеч қандай маълумот учратмадик.

## **«ДИЙВАН УР-РАСОИЛ» («МАКТУБЛАР ҲАҚИДА ДЕВОН»)**

Аз-Замахшарийнинг бу асари Ибн Халликонда шундай ном билан көлтирилса-да, Ёқут ал-Ҳамавий бир оз бошқачароқ көлтиради. Бу асарнинг бизгача етиб келганини ҳозирча аниқлай олмадик.

## **«ДИЙВАН УШ-ШЕЪР» («ШЕЪРИЙ ДЕВОН»)**

Бу асарни Ибн Халликон шундай ном билан көлтиради. Аз-Замахшарийнинг ўзи эса бу асарини «Дийван ул-манзум» деб зикр қиласи.

Асар ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, Ироқ олими Баҳийжа Боқир ал-Хусний томонидан тадқиқ қилинган нашри Бағдодда чоп этилган. Умуман ҳозирги замон олимларининг таъкидлашларича, аз-Замахшарий бир неча шеърий девонлар тузган. Улардан айримларигина бизгача етиб келган. Шундай девон қўлёзма нусхалари-

дан бири Мисрда «Дор ул-кутуб, ва-л-адаб» да (А-529-рақамда) сақланади. Девонга қирган шеърлар мавзу жиҳатидан ранг-бараңгидир. Олимнинг хизмати шундаки, у лирикани тор мавзу доирасидан олиб чиқиб, ижтимоий, илмий-маърифий, фалсафий масалалар билан ҳам бойитған.

## «АР-РОИЗ ФИ-ИЪЛМ ИЛ-ФАРОИЗ» («ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ ИЛМИ БҮЙИЧА МАШК»)

Ибн Халликон аз-Замахшарийнинг бу асарини шу ном билан келтиради. Ёқут ал-Ҳамавий эса «Иршод ул-арийб» номли асарида уни бир оз бошқачароқ «Ар-Роиз фи-иълм ил-фароиз» деб келтиради. Асарнинг бизгача етиб келгани ҳақида ҳозирча ҳеч бир маълумот учратмадик.

## «РУУС УЛ-МАСОИЛ» («ТУРЛИ МАСАЛАЛАРНИНГ МУҲИМИ (БОШИ)»)

Гарчанд Ибн Халликон бу асарни шу ном билан атаган бўлса-да, Ёқут ал-Ҳамавий «Руус ал-масоил фи-л-фиқҳ» деб тўлиқроқ атаб, унинг фиқҳ масалала-рига оидлигини аниқ кўрсатган. Шу билан бирга бу асар батъзи манбаларда «Руки ул-масоил» номида ҳам учрайди. Асарнинг бир қўлёзма нусхаси Шестер Беатти қутубхонасида (3600-рақамда) сақланади. Ироқ олимаси Баҳийжа Боқир ал-Ҳусний уни тадқиқ этиб, Бағдодда нашр эттирган.

## «АЛ-КАШШОФ»

Аз-Замахшарий ижодининг гултожи бўлган ва илм-фан оламида гоятда кенг танилган «Ал-Кашшоф» асари Қуръони каримга ёзилган машҳур тафсирдир. Асарнинг тўлиқ номи «Ал-Кашшоф ан ҳақоқ ит-танзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужух ит-таъвийл» («Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзла-рини очгич») бўлиб, гоят қизиқиш билан ўқилади. «Ал-Кашшоф» аз-Замахшарийнинг ўзига ҳам гоят-

да манзур бўлиб, ҳатто у ўз асари ҳақида шундай ёзган эди:

«Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпdir,  
Бироқ улар орасида «Ал-Қашшоф» кабиси  
йўқdir.

Агар ҳидоят изласанг, «Ал-Қашшоф»ни так-  
рор ўқи,  
Нодонлик бир касал бўлса. «Ал-Қашшоф» унга  
шифодир.

Еттинчи асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган Қуръон мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, у ўз тарихий ва маданий аҳамияти билан бутун Шарқ халқларининг маънавий ва ижтимоий тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Бир томондан, Қуръоннинг ўша давр классик араб тилига хос мураккаб услугуб ва тилда насрий сажъ шаклида ёзилганлиги, иккинчи томондан, мазмун ифодасининг чуқур ва кенг қамровлиги, табиийки, бу тарихий ёдгорликни тўлиқ тушуниб англашни қийинлаштирган. Араб тилини билган ҳар бир киши ҳам уни тўғри ва тўлиқ тушуници қийин бўлган. Шу сабабларга кўра зарурат туфайли ўрта асрлардан бошлаб Қуръонни тафсир ёки шарҳ билан ўқиш одат тусини олган. Шу бойсдан ҳам Қуръон нозил бўлган даврдан эътиборан унга бағишлиланган тафсирлар, шарҳлар ёзишга катта эҳтиёж сезилган. Турмуш тақозоси билан мана шундай вазиятда ислом тарихида Қуръонга бағишлиланган кўндан-кўп тафсирлар, шарҳлар (асосан араб тилида) вужудга келган. Аз-Замаҳшарий ҳам аввъл ўзидан олдин яратилган Қуръон тафсирига бағишлиланган кўплаб асарларни қунт билан ўрганиб, ўз асарида улардан унумли ва танқидий равишда фойдаланган. Натижада мукаммал бир тафсир, яъни «Ал-Қашшоф» вужудга келган. Бу асар аз-Замаҳшарий Маккада турган пайтида уч йил давомида (1332-1334)-ёзилган бўлиб, бу ҳақда муаллифнинг ўзи асарига ёзган муқаддимасида ҳам қайд қилиб ўтган. Асарнинг Маккада ёзилиши бежиз эмас, Макка амири Абу-л-Ҳасан Али иби Ҳамза иби Ваҳҳос ас-Сулаймоний кўрсатган хайриҳоҳлик ва ёрдам, шубҳасиз, муаллифга анча қулагайликлар яратган. Чунончи у ўша пайтда маълум бўлган барча Қуръон тафсирлари ва шарҳлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганлигини дадил айтишимиз мумкин. Мазкур тафсир ва шарҳлардан оқилона ва унумли фойдаланган аз-Замаҳшарий ўзига хос қимматли бир тафсир—«Ал-Қашшоф»ни

яратди. Бу ўринда аз-Замахшарийнинг буюк хизматларидан яна бири шундаки, у ўз тафсирини ёзишда ҳар хил сабабларга құра кейинги авлодларга етиб келмаган, ўша пайтда машхур бүлгап тафсир, ҳадис, фикъ, илм ал-қироат, нағұу сарф, адаб ва бошқа илмларга ғид күплаб манбалардан унумли фойдаланган.

Асарда, айниңса, Қуръоннинг филологик тақлилига катта әзтибөр берилған, шу сабабли ҳам унинг филологик қиммати бениңде каттадир.

«Ал-Қашшоф» гоятда машхур асар әканлигига яна бир ёрқын далил сифатида унинг құлөзма нусхалари күплиги, асарга ёзилған бир қанча ҳошия ва шарҳлар сүнгги вактларда дунёнинг турли бурчакларидан қайта-қайта нашр қилинганини күрсатиши мүмкин. Немис шарқшunosи Карл Броккельман дунёнинг турли құлөзма фондларидан «Ал-Қашшоф» нинг юзға яқын қўлөзмаси ва унга ёзилған йигирмадан ортиқ шарҳ ва ҳошия борлиги хақида маълумот берадики, бу далил аз-Замахшарий асарининг катта шұхратидан ва муҳим аҳамиятга молиқлигидан далолатdir. «Ал-Қашшоф» нинг аз-Замахшарий ўз қўли билан оққа кўчирған дастхат нусхаси (528 ҳижрий, 1134 милодий йил) Техрон кутубхонасида сақланади. Гарчанд аз-Замахшарий ўзи мұтазилий оқимиға мансуб бўлса-да, унинг бу асари ислом ахли өрасида шунчалик даражада машхур бўлиб кетдики, орадан юз йил ұтар-ұтmas «Ал-Қашшоф» нинг баъзи ўринлари қисқартирилған ҳолда араб олим Насируддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Умар ал-Байдавий томонидан бир қадар ишланған шакли таълиф этилди. Ал-Байдавийнинг Қуръонга ёзилған бу тафсири «Анвар ат-танзийл ва асрор ат-таъвийл» («Қуръон нурлари ва шарҳлаш сирлари») деб аталиб, у тўлиғича аз-Замахшарийнинг «Ал-Қашшоф»ига таянған ҳолда, шунингдек, бошқа манбалардан тўлдирилиб ёзилған тафсирdir. Дарҳақиқат, араб олимлари яқдиллик билан таъкидлашларича, аз-Замахшарийнинг «Ал-Қашшоф» асари ҳар хил даврларда Қуръонга ёзилған тафсирлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу асар ҳозирги вактгача араб мамлакатларида кўнлаб мусулмон ахли, айниңса олимлар учун энг зарурий китоблардан бири ҳисобланади. Қоҳирадаги бутун дунёга машхур «Ал-Азҳар» диний дорилғунунининг талабалари эса аз-Замахшарийнинг «Ал-Қашшоф» асари асосида Қуръонни ва унинг тафсирини ўрганиб, ундан муҳим бир дастур сифатида фойдалана-

дилар. Бу асар дунёning турли шаҳарларида қайта-қайта нашр қилинган. Тошкентда, жумладан, Мовароуннахр мусулмонлари Диний бошқармасининг кутубхонасида ва Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фондида ҳам «Ал-Қашшоф» нинг турли давларда кўчирилган бир қатор нодир нусхалари сақланади. Асли тошкентлик ажойиб олим ва ҳаттот Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад Жамшид Шоший 1358 йили насхати билан кўчириган «Ал-Қашшоф» нинг ажойиб нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Юқорида айтилган фикрлардан яққол кўриниб турибдики, хоразмлик буюк аллома аз-Замахшарий кейинги авлодларга бекиёс бой маданий мерос қолдирган. Чунончи ўзининг бутун умрини ва жўшқин фаолиятини илм-фан йўлига баҳшида этган, фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар яратган. Хоразм ўлкасида ва ўзи зиёрат қилган Шарқнинг турли шаҳарларида бўлган кўпдан-кўп шогирдларига жуда катта эътибор билан қараб, уларни камол топтиришга ўз ҳиссасини кўшган. Ўз даврининг машҳур олимлари билан дўстона муносабатда муттасил равишда боғланиб турган. Аз-Замахшарийнинг чуқур билими, буюк даҳоси ва фаннинг турли соҳаларига оид ўлмас асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ бутун мусулмон Шарқида унга бетакрор шуҳрат келтирган. Уни чуқур ҳурмат ва меҳр билан «Устоз уд-дунйа» («Бутун дунёning устози»), «Устоз ул-араф ва л-ажам» («Араблар ва гайри араблар устози»), «Фаҳру Ҳваразм» («Хоразм фаҳри») каби шарафли номлар билан атаганлар. Машҳур олимлар, шоирлар ва адиллар даврасида у доимо нешвонлардан бири бўларди, қизғин илмий баҳслар, мунозараларда унинг фикри инобатга олинарди. Мана шу зайлдаги улкан обрў-эътибор ва буюк даҳо, зҳтимол, унга ўз асарларидан бирида «ва инний фи Ҳваразм каабат ул-адаб» («чиндан ҳам мен Ҳоразмда адиллар учун бир катъбман») деб ёзишига асос бўлган бўлса керак.

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, аз-Замахшарийнинг бой илмий ва адабий мероси Шарқда ҳам, Фарбда ҳам азалдан қадрланган ва бир қадар ўрганилган, унинг аксар асарлари бир неча хорижий тилларга таржима ҳам қилинган. Бу бизлар учун ёрқин мисол, намунали ибрат. Чунончи, жумҳуриятимизда, аз-Замахшарий ватанида улуғ аллома мероси ачинарли

тарзда кам үрганилган. Унинг асарларидан бирортаси ҳам ҳали ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинмаган. Шу сабабдан аз-Замахшарий асарларини мукаммал, ҳар томонлама үрганиб, Ватанимиз халқлари тилларига таржима қилиш, улуғ мутафаккир қаламига мансуб бой меросни кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий бойлигига айлантиришдек шарафли ва хайрли иш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлмоғи керак.

Ана шу олижаноб мақсад йўлидаги илк қадам сифатида буюк бобокалонимиз, улуғ аллома аз-Замахшарийнинг «Нозик иборалар» асарини ўзбекчага таржима қилиб, Сиз, азиз китобхонларга ҳавола этдик.

Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар

ибн Аҳмад

аз-ЗАМАХШАРИЙ

# Ноңик и обоялај





Эй Аллоҳ! Ушбу (қалбимдан) сиртга балқиб чиққан нозик калимаю ибораларни менга инъом қилишинг, менга нисбатан файзинг ва инояtingни дариг тутмаслигинг — булар ҳаммаси комил неъматларинг туфайлидир.

\*

Бу ерда ҳақиқатни тинглашдан қулоқлар тўсиб қўйилгандир.

\*

Яна мулоҳазаю зеҳнлар тадбиру тафаккурдан ман этилгандир.

\*

Бир тоифа одамлар борки, уларнинг тўшаклари гафлат бешикларига обдон белангандир. Уларнинг кўзларида бедорлик (уйқусизлик) оз (кам) бўладики, бамисоли қоплонлар сингари.

\*

Э рабб, ўзинг суйиб ато этган нарсаларга етишувимизда бизни қўлимиздан тутиб етакла ва ҳасталанган кўнгилларимизга шифо бағишлаб, тузалишига йўл кўрсатиб, далолат бер.

\*

(Пайғамбарга мурожаат.) Биздан кўра сен Аллоҳга яқинсан ва дуоларга энг кўп ижобат этгувчисан!

Тўғри ва пок бўлган Омина ўғли (Муҳаммад алайҳиссалом)га иймон келтири. Қиёмат кунида қўркуви бўлмаган бир хотиржам рух каби бўлурсан!

Отага нисбат бошқага нисбатан шарафлироқ ва машҳурроқ, яъни фалончининг ўғли деб аталар, аммо Она эса доимо шафқатли ва матлаблироқдир.

Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоқал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки қасодга учраб ҳалок бўласан (жу-вонмарг бўласан).

Агар бирор қайгу-алам юз бергани ёки таъзияли жойни эшитсанг, дарҳол у ерга бор, агар зиёфату меҳмондорчиликка чақирилсанг, унда ўзинг ўйлаб иш тут (ўзинг биласан).

Кудри тоифаси сингари талайдиган, Кудри қуши сингари учди-кетди. (Аввалига яхши гапириб одамнинг ичига кириб олиб, ўз ишини битиргач, Кудри қуши сингари тез ғойиб бўладиган кишиларга нисбатан айтиладиган ибора).

Одамларнинг энг хотири кучлиси уларнинг ичидаги энг унутувчисидир, кўнгилларнинг энг юмшоги салобатлигию шафқатлисидир.

Мол-мулкни беҳуда исроф қилиш куфрони «неъматдир», ўйламасдан бойлигини сарфлаш тўлиқ та-наzzулга олиб келади.

Подшоҳнинг энг яқин кишиси яқинларнинг ичидаги энг улуғидир, хавф-хатар пайтларида уларга (хавф-хатарга) яқинроғидир.

\*  
Тоғниңг энг тәпасига (чүққисига) чиққан киши ундан үйқилувдан ғоят күп огох бўлмоғи лозим.

\*  
Худо қўрсатмасин, агар сени оғир қайғу-ҳасратлар-нинг кучли еллари ўраб олса, унда дод-фарёду фигон-ларинг фойда бермас.

\*  
Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қиласа, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишта ҳаракат қил.

\*  
Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон иби Собит ҳазратларининг мазҳабига мансуб бўлган мўътабар, қадрли ва эътиборли имомлар дини исломнинг тизгинлариридир.

\*  
Пасткаш кимсанинг ўз насл-насабини мақтаб, у билан фахрланиши, чанқоқ кишининг сув шуъласи (сароби)ни кўриб алдангани кабидир.

\*  
Бошингизга мушкул иш ва ташвиш тушганда мунис бўлиб, одамларга меҳр-муҳаббатлироқ бўласиз, аммо давлату неъматларга эришганингизда бағритошлика мойил бўласиз.

\*  
Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир.

\*  
Ўз биродарингни янчилган мушқдан кўра ҳам ҳушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам.

\*  
Фисқу фасод қилувчилар ва фожирлар кўпайса, Аллоҳ таоло вабо юборади.

Ният қилингандар ишлар пишмаган гүшт мисоли, бинобарин ҳар қандай ишни комил ният-у, қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

Хар қандай ишни бошлишдан аввал Аллоҳнинг ризолигини ўйла, акс ҳолда қилган ишларингнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб, зое кетади.

Гуноҳкор бандаларга садоқатли бирор кимса бўлмас.

Кўпчилик одамларнинг юраги уларнинг пешонасидан кўра ҳам кичикроқ бўлади.

Аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди, бамисоли тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек.

Бирор мамлакат (ҳокимият) ишларининг орқага кетишига сабаб—вабо қўп бўлиб, тузукларию тартиботларининг сусайишидандир.

Огоҳ бўлингизки, карим ва ҳурматли, вафодор одами йўқотиш эр кишига вафотдан кўра ҳам оғирроқдир.

Агар ёмон йўлдошга әргашсанг, унинг оғуси билан заҳарланасан, яхшиси унинг душманлари жумласидан бўл, шунда унинг оғусию заҳматидан қутуласан.

Аллоҳ таолонинг наздида бандага яқин бўлган қийинчиликдан икки енгиллик бор, лекин бу қийинчиликка тушган кимсага икки Наср юлдузи улардан ҳам яқинроқдир.

Аллоҳ таолоки сувда кемаларни мусаххар қилди (ўз итоатига олди), яна у (Аллоҳ) фалакларни осмону фалакда юритди.

Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши Арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (хайбатлироқ) дир.

Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорга хиёнату ёмонлик қиласидиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.

Агар бўхтон (ёлғон) чи ғудурлаганда сен ҳаммадан кўра ҳам кўп эшитгувчисан, ҳақ гап сўйланса сен гүё эшитмагандай бўласан.

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тинглаб, унинг хурматини ўрнига қўй, гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг йўқ бўлса ҳам.

Низо қилиш ҳақида сенга фатво берсалар-да, тажрибадан ўтиб синалган киши билан низо, баҳс ва мунозара қилишдан сақлан.

Арслон болаларининг онаси болалари оз бўлган онадир, от болаларининг онаси болалари кўп бўлган онадир.

Одамнинг сиртию ботини (ичи) тўғри, саломат ва тузук бўлса, унинг зоҳири (ташқариси) ҳам сахий ва салим бўлур.

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга тошириган бўласан.

Одамлар ичидаги энг ярамаси хасисидир, уларнинг ичидаги энг ялкови—пасткашидир.

Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчи дидир.

Жангу жадал аҳллари гоҳ шодлиг-у, гоҳ хафаликда бўладилар.

Сизлар бир-бирингиз билан дўстсиз ва бир-бирингизга азизсиз, ваҳдоланки бу бошингизга бирон-бир ҳасталик, очлик ва бошқа баъзи мусибатлар тушмаган пайтдадир.

Эй, хийласию тадбири ва фикр-мулоҳазаси кучли киши, йиққан мол-дунёинг хотинингни (иккинчи) эри учун йигилгандир.

Агар иффат ва виқор соҳибларидан бўлмасанг, хору зорлик, таҳқири тубанликка мудом гирифтурсан.

Сиймонг гўзаллиги ва юзинг чиройи ойнинг тулувъ (чиқиши) кечасидан бир белги каби дилу кўнгилларга шодлик бахід этар.

Қайсики молу мулқнинг закоти бажо келтирилса (берилса), унинг хайру баракати кўп бўлади.

Кўнчилик одамлар ҳақиқатдан йироқдир, уларнинг талаб ва даъволари ёлғону бўхтон (ботил)дир, яъни айтган сўзларию ишлари ўзларига мувофиқдир.

Одамларнинг энг азиз ва ҳурматлilarи қайгу-ҳасрату ташвишли дамларда билиур, гўёки бу ташвишлар улар (хурматли кишилар) учун туғишган опа-сингилдек яқиндир.

Ёмон фикр соҳиблари ҳам, куфр неъмат қилувчилар ҳам ёввойи қобонлар мисбли Аллоҳ таолонинг мағфира-тидан йироқдирлар.

Устингга кексалик кийими ташланган бўлса ҳам, бироқ сен узоқ умр кўриш ҳирсида (таъмасида) янги янги қийимлар киймоқдасан.

Емғир сероб ёқсан сувли ерга экиладиган уруғлик бўлма, чунончи бу ҳол хазинада турган буғдой мисолидир.

Эътимод (суюниш)ни истаган кимса фақат Аллоҳ таолога эътимод этсин, акс ҳолда ҳалок бўлувчилар каби ҳалокатга учрайди.

Низо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлар, қайгу-ҳасрату фақирликка тушилур.

Савдогарнинг шуҳрати ва обрў-эътибори киссасида, олимнинг шуҳратию обрў-эътибори ёзган китобларида (асарларида).

Ўзингга мерос қолдириладиган мол-мулқдан узоқда бўл, чунки у мол-мулқнинг гуноҳи-ю, барча машаққатлари сенга келади.

Котибнинг ёаув хати билан қоралаш (ёзиш) гўзал қизнинг ёногида бўлган гулдан гўзалроқдир.

Сен залолат тўлқинига ўзингни уриб сузсанг, сени фақат кўп тоат-ибодату тасбеҳлар қутқазур.

Гўштдан ҳаддан ортиқ даражада тановул қилдики,

хатто ичиши мой босиб ёрилиб кетди (кўп овқат ейиш турли иллатларга сабабдир маъносида).

Мен рўзадорман дейсан-у, аммо ўзинг бўлса биродаринг гўштини ейсан (ғийбатлар ва хўрлиқлардан сўзлайсан).

Саховат ва ҳалимлик Хотамтойга мансубдир, дин бўлса дини исломдир, илм эса Имом Аъзам Абу Ханифа Нуъмон ибн Собит илмидир.

Ақлли, ғофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир.

Мардонавор киши мағлуб бўлгани билан унинг мартабаси паст бўлмас, мاشаққату ташвишга гирифтор бўлса-да, хор бўлмас.

Айвони атрофида қушлар учиб-қўнадиган жойи бўлмаган уйга ёмғир ҳам барака бермайди, унинг эгаси ҳам әркинлик билмайди, у жой фақирликка гирифтордир.

Момақалдироқли ёмғирниң ёғиши, ростгўй (хақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли. ёқимлидир.

Ўтган умрингни мулоҳаза этиб тавба қилишга шопшилгин, чунки ажал етса, уни кечиктириш ҳеч кимниң қўлидан келмас.

Хийлакорлик кўзи ғилайлар билан биргадир, улар доим айрилмасдир, ғилай кўзлар эса ҳийласиз бўлмас.

Қарзи бўлмаган киши холису софдир; бир кишининг гўзал ишлари бор деб таъкидланса, бу сўз унга

нисбатан камчилиқдир. (Яъни, шуҳрат Бани одам учун оғатдир).

Ўз дининг ва шарафийнги сақлайдиган нарсаларни қаттиқ тут (яъни ол), ўзинг учун қулайроқ, енгилроқ бўлган нарсани олма, бинобарйн, мاشаққатига яраша савоби ҳам бўлади.

Ўзини сахий, мард ва ҳиммати баланд кўрсатиб, аслида хору зор, ҳақир ва қадри тубан бўлган одамлардан қўрқ, токи бир кун ўзларининг хасисликлари бирла онгсизликдан мард одамни тузоқларига туширгайлар.

Ноқису етишмовчилик чодир қурди, баҳту иқбол унинг ҳамроҳи бўлди; илму фазилат сафарга чиқди, йўқлигу бебахтлик ён атрофдан унга итоат қилди; жоҳилу нодонлар қаерда бўлса иқболу баҳт уларга томон боққан, олиму фозиллар эса қаерда бўлса баҳтсиздирлар.

Ҳайвоинг яхшилиқ қилсанг севинади, ҳайвон севинса эгасини тепади (одам боласи ҳам мана шунга ўҳшаш: агар у ташвишу мешаққатдан холи қолиб, ўзини эркин сеёса, фисқу фужурга ружуъ қўйиб, яқинларини қийнаб, азоб қелтирур).

Бу дунё ибратли ишлар-у, панд-насиҳатларга тўладур, айни вақтда кўз ёшларига ҳам сероб.

Мутакаббир одамнинг давоси димоғидаги такаббурликни йўқотиш билан ва кибру ҳавога ундовчи шайтонни бурун тарновидан кеткизиш билан бўлади. (Бу ҳол шундайки, мутакаббир кишини ҳақорат қилиш, ҳўрлаш бирла бўлур, чунки шайтон унинг бурни олдида такаббурликка ундар ва уни (шайтонни) қувлаб чиқариш бирла бу кулфатдан қутулар ва шифо топар, башарти такаббурлиги кетмаса, унда ҳалок бўлиши муқаррар).

Бир пайт келиб замона мустаҳкамлиги билан машхур бўлган ал-Хаварнақ номли саройни вайрон қиласидики, гёёки ўргимчак уясини вайрон қилгани мисоли.

Барча ишлардан огоҳ — Аллоҳ таолони ҳеч бир ишингда назарингдан қочириб унутма, ҳар бир тасаруфингда одил бўлиб, бирорга зулм қилма.

Кўпинча фиску фасод қилувчилар бир нарсани гумон қилиб, уни ҳақиқат деб ҳисоблар, ҳолбуки пировардида унинг нотўғри эканлиги равшан бўлар.

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

Кўпинча вақтида ишлатилган ҳийлаю тадбиркорлик кучу қувватдан ғолиб келур.

Арслон нафақат чуқур қазиш билан овланиб қолмай, кўпинча у ҳийла билан ҳам овланади (қўлга туширилади).

Кўп вақтда зиёдалик, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир қўлда олтига бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай, камчилик (нуқсон) ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда фатво истовчи киши фатво берувчи муфтийдан кўра ҳам олимроқ бўлади, чунончи «ал-латийа» калимаси гарчанд бу сўзнинг кичиклашган шакли бўлса ҳам барибир маъно жиҳатидан асли «ал-латий» сўзидан кўра кучлироқдир. (Бу ўринда сўз ўйини бўлиб, арабий истилоҳлар ишлатилган).

Баъзи одамлар ўз яқин қавм-қариндошларига хайру эзгулик кўрсатмай, яқин (қариндош) лиги бўлмаганларга эҳсон қиласур — түяқуш ўз тухумларини ташлаб, бошқалар тухумларини босиб ётгани мисоли. Яъни, баъзи телба одамлар борки, ўз қариндош уруғининг ёрдамга муҳтожлигини кўратуриб унга ёрдам қилмай, бехуда ёту бегоналарга эҳсон қиласур.

Қанча одамлару қавмлар борки, сизга гўё ип каби эшилиб мулозамат қиласурлар, лекин улар пайт пойлаб фасод чиқаришга интиладилар, ғафлатга тушиб шундайларга сира алданмангизлар.

Сени зиёрат қилувчиларнинг неча зиёратлари борки, уларнинг зиёрати арслон товушининг даҳшатини эшитишдан ҳам оғирроқдир.

Сени кечакуундуз зиёрат қилувчиларнинг кўпчилиги сени ҳаддан ортиқ кўкларга кўтариб мақтаб, охир-оқибат адоваратга дучор қилувчилардир.

Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.

Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасоҳатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир — сўзловчини ҳам, эшитувчини ҳам мулзам қилур.

Кўп сўзлар борки, улар сени жангут жадалга солиб, ҳалокатга гирифттор қиласур — ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурининг гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин).

Хийлаю риё билан йиглаш ва овоз чиқариб намоз ўқишидан савоб ҳосил бўлмас, башарти у соғ ният билан астойдил бўлмагандан кейин.

Арслоннинг ўз уясида ҳайқириб ўкириши, баъзи (мени) зиёрат қилувчиларнинг бир маротаба зиёратидан енгил ва ёқимлироқдир.

Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан бўлса, осмону фалакнинг зийнати эса юлдузлар биландир.

Мухаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг тутган йўллари менинг йўлимдир, баҳту саодатим ҳам, нажотим ҳам шу йўлдир.

Бозорчилар (бозорда олди-сотди қилувчилар) сулуқия итлари мисолидирлар (Сулуқ Яман вилоятидаги бир қишлоқнинг номи бўлиб, у ерда фақат ов учун ярайдиган итларни — тозиларни асрайдилар).

Ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳакиму оқил одамлар сўндирарлар.

Ҳаёт вақтингда берган инъом-эҳсонларинг, гарчи уларни туки йўқ (қирчанг) бўрига берган бўлсанг-да, зое кетмас, қиёмат кунида буларнинг ажри сенга бўлур.

Иккисининг орасида қанчалик катта фарқ бор; бири фулон имом Бақир сингари тобеъийнларнинг машхур олимидир — унинг онаси каррам оллоҳу важҳуҳа Умм Абдуллоҳ бинт Ҳасан бин Алидир, аммо иккинчи фулон эса бақардан, яъни сигирдан сира фарқи йўқдир. (Каррам Оллоҳу важҳуҳу — Аллоҳ юзини мунаvvар қилгур!)

Бир одам бехосдан (ногаҳон) хасиснинг таомидан тановул қилса, у (хасис) юрак оғриғига мубтало бўлур,

башарти у касални бирор фақир киши келиб зиёрат қилса, ҳавғидан бош оғриғи пайдо бўлур.

\*

Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол — бу эркак кишининг муруватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бирордан сўрасанг, у сен сўраганин эмас, бошқачароғини беради (инсоннинг табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлаб оласан.

\*

Сув йўллари ирмоқлари билан бўлгани каби шариятнинг тўғри қонун-қоидалари эса пайғамбар алайҳиссалом таълимотлари биландир.

\*

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқлариданdir.

\*

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай ғойиб бўлганида унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиласлар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

\*

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

\*

Саҳбон ўғли Ажлоннинг оғзидан чиққан фасоҳатли сўзларнинг ўзи бир ҳулқу табиатдирки, у булаарни отаси (Саҳбон)дан олган.

\*

Сенга эзгулик кўрсатган кимсага эзгулик қилгин, чунончи Жавзо юлдузи ботгандан кейин Шиъара юлдузининг порлаши гўзалдир.

\*

Ислом динида икки «шин» ҳарфлари катта айбларданdir, бири — ҳокимларга — ришват (пора) бериш ҳам, олиш ҳам, иккинчиси айблиларга шафоат қилиш. Гап шуки, пайғамбар алайҳиссаломдан: «Лаъна оллоҳу

ар-ромий ва-л-муртаний», яъни «ришват (пора) олувчига ҳам, берувчига ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин», деган ҳадиси шариф содир бўлгандир.

\*

Қиморбозлар ой нурини ғанимат билиб қимор ўйнасалар, тунлари қиссаю ҳикоятлар тингловчилар эса бедорликка парво қилмайдилар.

\*

Езилган китоб нусхасининг тўғрилиги кўз қора-чигининг боққанига боғлиқдир, ривоятнинг инобатлisisi (ишончлisisi) эса сероб сувдан ҳам ортиқроқ қондирап.

\*

Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичидаги, мешақкатлар орасида оч ўтиришдан авлодир (хайрлидир).

\*

Ўз вақтидан кечикиб берилган инъом-эҳсон маҳкам тортилган занжир мисоли қаттиқ бўғувчиdir.

\*

Хунарманду косиблар кўпидир, бироқ моҳиру қобилиятлилари оздир (яъни, уста кўпу, устаси оздир).

\*

Икки нарса бир дарахтнинг бутогидир, яъни, иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тилаганга) берса-ю, аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг инъом-эҳсонини аяб, ҳасислик қилса, чунончи Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва ҳасислик қилиб бермаслик қабоҳатда баробар ҳисобланади.

\*

Зиммангда фара бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилингга роҳат баҳши этиб, шону шарафинг ва обруйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

\*

Оlam узра шундай юргинки, то бутун оламнинг

елкасига оёқ қўйгандек бўл, шунда жами махлукотдан (борлиқдан) устун бўлурсан.

\*

Аллоҳ таоло ато қилган турли неъматларнинг лаззати қудрат ҳолвасидан тотлироқдир. Аммо миннат бўлган ҳолатда эса зақум (жаҳаниам дарахти) мевасининг аччиғига қараганда ҳам аччиқдир.

\*

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду саною мақтovларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидан-дир.

\*

Тавба қилган киши умрининг ниҳояси (хотимаси) умрининг боши деганидек (яъни, онадан туғилган куни каби гуноҳсиздир), унинг ишлари Аллоҳ таоло наздида айбли бўлмайди.

\*

Араблар тоифаси набъя (қаттиқ) мустаҳкам ёғочи сингари ҳам қувватли, ҳам юраклидирлар, ажамлар (ғайри араблар) эса тараб (бўш, мўрт) ёғочи каби юмшоқдирлар.

\*

Мисвоклар (тиш тозалагичлар) билан оғзингни то-залидинг, кошки энди бундан кейин сен оғзингни (тилингни) бўхтон, ёлғон, ғийбат сўзларни айтиш билан булғамасанг.

\*

Қир араблари (яъни, бадавий саҳройи араблар) ўлқама-ўлка учеб юрувчи қарғалар мисоли бўлса, хабаший қора араблар эса тўғри, дуч келган нарсаларни еб юрувчи бўрилар кабидирлар.

\*

Сенга маломат билан кўп ҳолларда мудом ваъз қилдилар (сенга кўп маломат қилдилар маъносида), буларнинг ўрнига сени ғафлатнинг давомли уйқусидан уйғотганларида маъқул бўларди.

\*

Илмли бўлиш бир баланд тоқقا чиқиш каби кўп маشاқкатлидир, лекин ундан тушиш осондир, жоҳил-

лигу нодонлик булоги чүкүр чашма мисоли бүлса-да, бироқ у күп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

\*

Емон, норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш — сароб ва кул каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

\*

Илмли бўлиш ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир.

\*

Сени касоду инкисорга учрашдан огоҳ қилувчи кишига лутғ билан муомалада бўл, қўрқма, зарари йўқ, зиёни йўқ, деб юпатувчилардан узоқроқда бўл.

\*

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиласман деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

\*

Риё бор ҳар қандай ишда раволиғу зиё йўқдир.

\*

Елғончининг қасами бор (ҳақиқий) илмининг ҳам сохталигини оширади.

\*

Дин хусусида бўладиган мусобақа (мунозара) ларда комил эътимод билан эътиқод қил, шунда ҳар қайси майдонларда олдинда бўласан.

\*

Менинг кўзим фақат сизнинг яқин бўлишингиздан қарор ва тинчлик топадир, чунки ошиқ ва муҳиб ўз маъшуқасига яқин бўлмаса роҳат олиб шод бўлмайди.

\*

Сотиб олган нарсангда алданиб, молиявий зиён-зарар кўрувинг сен бундан келгусида кўрадиган зиёнларингдан аянча енгилроқ ва осонроқдир.

Сенинг қилаётган ишларингдан душманинг огоҳ бўлиб, улардан кўз юмиши сенга илон чаққандан кўра ҳам зарарли ва машаққатли бўлади.

Уруғликни ҳам, пўчоқни ҳам, нияту оразуларни ҳам, муҳаббату фироқни ҳам яратувчи Аллоҳ таолодир.

От учун ҳар доим қамчи лозимдир. У гарчанд елиб-югурадиган тулпор бўлса ҳам.

Ёш хурмо билан унинг пўчоғи орасидаги фарқ араб билан ажам (ғайри араблар) орасидаги фарқ кабидир (бу ерда араблар хурмо қабилида, ажамлар эса унинг пўчоғи қабилида келтирилаётир).

Дежқончилик қилиб зироат әкиш фойдаю хайр бара-ка бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр-баракага буркайдир.

Еру заминда ўзини инсон (одам) ҳисоблаб юрган одамлару (нос) одам сифатли олчоқлар (нувайс) бордир. Шу одамлар жумласидан ҳазрат Товус (Мұхаммад пайғамбар алайхиссаломнинг машҳур издошлиаридан Абу Абдураҳмон ибн Кисонинг лақаби шундай бўлиб, у ўз фазли-камолоти ва муруввати билан машҳур зот эди) ва Тувайс (Мадинаи мунаффарарада яшаган, ярамас одатлари ва щумлиги билан машҳур бўлган бир кимса) ҳам бордир.

Ярамас ва хасис кишининг эшигини тақиллатиша саҳий ва мўътабар кишининг озиқ тишини суғуриш билан баробар ранжу изза бордир. Яъни, саҳий киши иши тушиб заруратдан хасис одамнинг эшигини қоқса, у буни ўзининг озиқ тишини суғуртиргандек озору азият чеккан ҳолда қиласди.

Бу дунё мол-мулкини ўз зиммангга ва бўйнингга олиплекда оғир ва масъулиятли бурчлар бор (яъни, ўзгаларнинг шон-шарафлари билан боғлиқ ишларни гарданингга олишда ўйлаб иш тут маъносида).

Аллоҳ таолодан астойдил илтижо билан ўтиниб сўраган кимсанинг нидоси сира ноумид қолмайди.

Ақл-идрок ва шариатга амал қилиб иш тутган банда асл ва иккинчи даражали мақсаду матлабларини жам қилиши муқаррардир.

Гоҳ вактда жоҳил киши ақл-идрокли кишининг суҳбатида (йўлдош) бўлур, ундан бошқаларга зарар келмас, Фароқид юлдузи билан Суҳа юлдузи ҳам ёнмаён бўлгани каби (яъни, Суҳа юлдузининг кучи оз бўлса-да, шимол тарафидан Фароқид юлдузларининг яқинлашуви билан уларнинг нурлари заифлашмайди ҳам, камаймайди ҳам).

Кўпинча ёки баъзан Ҳасан ал-Баерийга ўхшаш буюкларни Ҳажжож Золимга ўхшашлар тугадилар, гўё шўр денгиз сувидан дур-маржонлар чиққани каби.

Баъзида икки ярамасдан Ҳасан мисоли гўзал бир ўғлон дунёга келади, чунончи қон билан этнинг орасидан сут чиқади.

Илми-урфони ва ақл-фаросати билан машҳур бўлган Абдулмалик ибн Қарийб Ҳорун ур-Рашидга ўз заковатли қадби ва кенг фикр-мулоҳазаси билан яқинлашди. Бу яқинлашув унинг Асмаи қабиласиданлиги ва шариф насабли эканлигидан бўлмай, илми туфайлидир, акс ҳолда Ҳорун ур-Рашид унга бармоғи билан-да ишора қилмасди.

Шод-хуррамлик ва ярамаслик эзгулик ва ёвузынка муқорана қилинди, яъни шод-хуррамлик эзгуликка, ярамаслик ёвузынг қайғу ҳасратга муқорин (баробар) бўлди.

Ривоятларга кўра, Зиёд ўғилларини комил инсонлар дейдилар. Унинг етти фарзандининг ҳар бири шоирларнинг энг пешвоси бўлиб, балоғат ва фасоҳатда етук әдилар. Бироқ улардан кўра ҳам илму шарифни юқори мартабага кўтарувчи шундай олимлар борки, улар илмларига амал қилиб, шариат аҳкомларини — қонун-қоидаларини юқори кўтарувчилардир.

Ўтган замонларда илму фазилат соҳиблари подшоҳларидан ўз оғирликларига баробар олтин ҳадя олардилар, аста-секин замонлар ўтиши билан уларнинг қийматлари камайиб, итлару олмаҳонлар (қармоқлар) улардан афзал бўлиб қолди; яъни, нодонлар олимлардан ортиқ кўриладиган бўлиб қолди.

Агар бирорни айблаб итоб қилмоқчи бўлсанг, зинҳор ёзма тариқада (қофоз, хат билан) қил, чунки бирор-бирорга қарни бўлиб, айблаш кам ақллилар ва телбалар ишидир, шунингдек бу ҳолда кўнгилни сиёҳ қилишга сабаб бўлгувчи сўзлар ҳисобсиз айтилиши муқаррар, аммо хат ёзилганда эса, эмин-эркин ўйлаб, фикр-мулоҳаза билан ёзилади.

Мард ва карим киши ҳатто ёмгириларни булутини юқори кўтаради ва уни кечиктириш учун ўз яшинини сира ҳам аямайди (доимо мардонавор ишлар қиласди).

Сенга ибрат бўлиш учун фулоннинг баланд даражага эришиб, охир-оқибатда молининг мусодара бўлуви, яъни, барча молу дунёсининг байт ул-молга олиниши, ўзининг вазир бўлганидан кейин асирга олиниши, бирор айб туфайли ҳибсхонага тушиши кабилар ётарлидир.

Хар бир тирик кимса вақти келиб вафот этади, бас шундай әкан әнг яхши савоб ва солиҳ ишларни қилиш ўлаётган киши учун ўта савобдир.

Хар бир йўл-йўриғ ва мазҳаб борки, очик-ойдин исботу далил билан ҳам тўғри бўлмайди, чунончи ўша мазҳаб ва йўлнинг ўзи тўғри эмас (эгри) дир.

Баъзан яқин кишинг — оға-ининг сенга гўё соқчи ва назоратчи каби бўлиб ўлимингни, яқин вактда сенинг қабрга қўйилишингни истарлар: боланг — молдунё менга мерос қолади, дейди; туғишган оға-ининг эса ўғлинг борлиги учун меросдан маҳрум бўлгани сабабидан сен учун астойдил жон куйдирмайди. Хулласи қалом, сен ғафлатда бўлма — ҳеч бир қариндош уруғдан ва яқинлардан фойда йўқ, ўғлинг юрагинг бўлаги бўлатуриб, сенинг теароқ ўлишингни кутиб, меросга эгалик қилиш орзусида бўлгандан кейин бошқалардан не умид бўлгай?

Хар бир вазир қайчи мисолидир (агар қайчининг бир таянч томони бўлмаса иккинчи томони ҳеч нарсага қодир бўлмайди), чунончи Мусо пайғамбар вазири Хорун билан мукаммал бўлган,

Неча оқсоқ одамларни кўрдимки, илм-фазилат бобларида улар юқори ногоналар (даражалар) га кўтарилигандар, шунингдек, қанчадан-қанча соғлом оёқлиларни ҳам кўрдимки, улар хайр-эҳсон йўлида бирор қадам ҳам босмагандар (бу ўринда аз Замахшарий ўзининг оқсоқлигига ҳам ишора қилаётир).

Ўлим қанчадан-қанча такаббур одамлар бошларини чуқурга, яъни қабрга улоқтирган.

Муздалифа кечаси Арафа куни мисоли (ёруғ) бўлолмагани каби (оддий) билимдон билан илм-фанга

күи аралашниб; тадқиқ ҳосил қилган олим орасида қанчалик катта фарқ бордир.

\*  
Одам болаларининг елкаларида туяларнинг меҳнатлари бордур, яъни, ўзингизга қийинчилик келтирмасдан эриша оладиган мақсадларингизга туялар ёрдами билан эришиш мумкин.

\*  
Замона сен билан қанчадан-қанча ишларни бетўхтов содир қилмоқда, чунончи бир иш тугаса иккинчиси бошланиб туради — гўё нахву сарф қоидасидаги Зайд Амрга алоқадор мисоллар/қўплаб келтирилганидек.

\*  
Қанча марта қирғин-барот, қонли жангу жадаллар пайтида ҳалокатлар бўлади, қанча марталаб усти юпуну яланғоч кимсалар шиддатли жанг пайтларида ҳаддан ортиқ ҳолда ўз қалбларини очарлар; яъни, жангу жадал пайтида асл марду майдонлар ўзини ҳатто қурбон қилади, кўп вақтлар қурол-яроғсизу кийим-кечаксиз мардонавор кишилар яқдиллик кўрсатадилар.

\*  
Доим сұхбатингда (ёнингда) Қуръони карим бўлсин, бироқ, мажлисингдаги сұхбатдошингга (одий) бир tengкүр сифатида бўлма (бир-бирингга илм-маърифатда ўзаро фойдали бўл маъносида).

\*  
Такаббурликни қанчалик хурсандлигу шодликка томон айлантиришга уринсанг ҳам асли лой бўлгандан кейин фаххар (кулол) сингари яна тупроққа (бой) ишларига қайтиши муқаррар.

\*  
Аллоҳ йўлида фидойи, ҳақиқий мўмин-мусулмон, аҳду паймон, эътиқоду иймонда Аллоҳга событқадам бўлинглар.

\*  
Ёмон, хасис киши ҳар бир тилда лаънатланади (ма-

ломат эшитади), сахий, карим киши ҳар жойда иззату икромда бўлади.

\*

Соқол инсонга зийнатдир, фақат бўйин билан бирга бўлган ҳолдагина, уаун соқол қўювчи аҳмоқ бўлади, чунки бунга ўтмишдан мисоллар кўпdir.

\*

Олижаноб ва ҳимматли одамнинг гўштини ҳасад ахли ейди, гўё қурт-қумурсқалар арслон боласини егани мисоли.

\*

Бир лаҳза назар билан ишқал ишлар тўғри бўлур, бош бармоқ қалта бўлишига қарамай бутун қўлни боғлаб туради.

\*

Одамлар орасида фикр-мулоҳазалиси қолмади, фақат Даҳҳок ва Вадак сингари ярамас, ёмонлари қолди. (Даҳҳок ва Вадак ўз фитнасию ёмонликлари билан машҳур бўлган таниқли подшоҳлардир.)

\*

Бошқаларни ўз қарамоғиу ҳимоясига оладиган қодир инсонлар бу оламдан ўтиб кетиб, яшацлари (ҳаёт бўлишлари) ҳеч кимга наф келтирмайдиган одамлар қолдилар.

\*

(Ҳар доим) бирорвга итоб (айблов) қўювчи ҳеч вақт сайид бўла олмайди (яъни юқори даражага эриша олмас), қатрон (смола) қора бўлиб, унинг оқарув эҳти-мели йўқ бўлгани каби.

\*

Сенинг зиммангда банда ёки Аллоҳ олдидаги бурчлардан бир динор (лик)дан ортиқ бурчинг бўлмаса, ул олтининг сени олов (ўт) ҳаидағига ташланишингга кафил бўла олмайди.

\*

Кечалар (тунлар) сенинг яқинларингу хешларингга

мангу қолдилар, уларнинг сенга мангу қолишлари тұғрисида гумон ҳам қылмаганмидинг?

\*

Күп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар.

\*

Фосиқларга чин дўсту ўртоқ одам йўқдир, уларга фақат қайнар лагандаги ичиб бўлмайдиган қайноқ сувдан бошқа дўст йўқдир.

\*

Қабоҳатли суврат, чиркин юзнинг ва ёмон чехранинг орқасида ярамас хулқдан бошқа нарса йўқдир.

\*

Насиҳат этувчи сўз таъсиридан сени ким чалғитди. Ваҳоланки, у насиҳатчи сенинг азоб-уқубатлардан халос бўлишингга сабабчи эди.

\*

Саъй-харакат ва ижтиҳод табиий ва одатий бўлиб, афсуски бу саъй-харакат одамларда жуда нодирдир.

\*

Мусулмон бўлган кишига Мусайлама сифатли бўлишлик сира ярашмайди (Мусайлама ғоятда фириб ва макр эгаси бўлган кимсаки, ҳатто нубувват (пайғамбарлик)ни даъво қилиб, баъзи «кароматлар» ҳам кўрсатган эди).

\*

Туну кунни ўтказаман-у, лекин бугунги куним кечаги кунимдан яхшироқ бўлмаётир, чунки замона кундан-кунга ҳалокатга томон бормоқда, шундай экан, кечаги кун бугунгидан авлороқ, бугунги эса эртангидан яхшироқдир.

\*

Тақводору мўмин кишилар соя-салқин жойларда, курсию тахтларда бўлурлар, мужриму гуноҳкорлар эса залолат ва азобу оловда бўладилар.

\*

Фам-ғусса ва шодликнинг аломатлари шундайдир:

ғам-қайғу йиглатур, шодлик кулдуур — бу белгилар манглай (юз-пешона)дан маълум бўлур.

\*

Кўз ўз соҳиби (эгаси)нинг қалбидагима борлигини ифода этар: муҳаббатдан нима, нафратдан нима борлигини кўз сўзлайди, оғиз эса сукут сақлайди, бари бир юракда нима қечётганини очиқ-оидин зохир кўрасан!

\*

Маъсият (гуноҳ)нинг тирноқлари надомату ўкинч билан кесилур, тоат-ибодатнинг қанотларига мудом ижтиҳод билан эришилур.

\*

Эр киши гоҳ олға босар, гоҳ орқага чекинар, Машриқдан чиқиб Мағрибга ботадиган тонғ ва оқшом юлдузлари (ан-Навъ) ҳам гоҳ ёмғир ёғдириб, гоҳ уни тўхтатади-ку!

\*

Кимки адовату хусуматни экса, албатта у ташвишу мاشаққат ўради.

\*

Неъматию муруввати доимий бўлган зотга итоату изм билдириш вожибdir.

\*

Виждон азобиу таънадан тўғри бўлмаган одамни (кимсани) таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амримаҳол.

\*

Тилию дили тўғри ва ҳақгўй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.

\*

Баъзан қаттиқ саъӣ-харакат билан меҳнат қилиб, кўп мешаққатларни бошидан кечирган инсон эришган натижа ҳам самарасиз, бехуда бўлур.

\*

Ҳатто Дорайн (Арабистондаги бир қинилоқнинг но-

ми) қишлоғида ўсувчи мушкнинг хушбўй ҳиди ҳам икки дунё ибодати лаззатига баробар келмайди.

\*

Мансаб илинжида бўлган (қарам) кимсаларнинг томирлари кесилгандир, улар оладиган фармонлари эса бир-бирига зарба берувчилардир.

\*

Кимки Аллоҳ таолоға ҳамду-санони кўп қилса, у одам машҳур шоир Сахбондан кўра ҳам балоғатли ва фасоҳатли ҳисобланади.

\*

Кимки денгиз тўлқинларини бошидан кечириб сафар қилмаса, туръли-туман ташвишу машаққатларнинг сувидан ичмаса, у инсон (ҳақиқий) роҳату фароғатга муяссар бўла олмас.

\*

Дини исломга калондимоғлик, беписандлик қилган одамнинг гуноҳи Убайдуллоҳ ибн Зиёд ва Язид ибн Муовия қилган гуноҳдан ҳам ортиқроқдир (Ибн Зиёд билан Язид ибн Муовия Карбалода ҳазрат Ҳусайннинг бошини кесганлар).

\*

Ҳеч кимсанинг гўзал ҳайъат суврати (юз-кўзию ташки қиёфаси) унга иззат-икрому обрў-эътибор олиб қелмас, аксинча кўп ночор, камсуқум кўринишли-ю, эски кийимдаги кимсалар ўз фазилатлари билан улардан (кўркам кўринишлилардан) устун келур.

\*

Кимники мол-дунёсию бойлиги ўзидан узоқ бўлса, унинг аҳволи ночор<sup>1</sup> (заиф) бўлиб, ҳалокатга гирифтор бўлур.

\*

Ҳасталик ва муҳтоҷлик — булар иккаласи шундай бир балоки, ҳатто хутбон (энг тахир, аччиқ ичимліклардан ҳисобланади) ичимлигидан кўра ҳам аччиқдир.

\*

Кимки ўз нафси балоси-ю, орзу-ҳаваси домига

(исканжасига) тушиб қолса, у бешак ўзини-ўзи чуқур қаърига ташлагани муқаррардир.

\*

Мард ва олижаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарининг айбларини бекитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир.

\*

Кимники қўлидан хайр-баракали ва пурҳикмат ишлар келмаса, унинг насабининг шарифлиги-ю, улуғлиги фойда келтирмас.

\*

Дўстлик ва биродарлик даъвосида бўлувчиларнинг тарозиси шундай нарсаки, у шиддатли, ма-шаққатли бир ҳол бўлиб, ҳар қандай фароғату кенгликдан холидир.

\*

Ишончли ривоятчилар келтирган пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифлари атиқи маъсур деб аталмиш (машҳур) қиличга нисбатан ҳам ўткир ва кескирдир.

\*

Кимки баҳт-иқболли, солих кишиларнинг этагига ёпишса, у албатта муроду мақсадига эришиб, хайру барака топар.

\*

Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ-карсонлар кўрсатувчи кимса ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди.

\*

Тану баданинг соғлиғи энг буюк неъматлардан биридир; яна шу ҳол (сиҳат-саломатлик) батъзан фисқ-фасодлару гуноҳ ишларга ҳам сабаб бўлади.

\*

Алдамчиллик ва ҳийлакорлик билан машҳур бўлган бурсақ деган йиртқич ҳайвондан ҳам кўра баъзи Бани одамлар кўпроқ алдамчироқдир.

Калтафаҳм ва бетавфиқ одамни фисқу фасоддан қайтарувчи нарса йўқ. Унинг жиловини (тизгинини) ўз ҳолига қўйиб юбориш уни янада баттар қиласди.

\*

Солих амаллар қилмаган киши уруғсиз әкувчига ўхшайди, чунки (вақтида) экин экканларнинг омборлари тўла бўлур, экмаганини бўш бўлур. (Бунинг маъноси шуки, қиёматда ҳам, бу дунёда ҳам эзгу ишлар қилганлар ажр ва савоб олар, солих амали йўқ кишининг қўли бўш қолар).

Пайғамбар саҳобалари ва тобеъийнларнинг (издошлиарининг ҳаётидан келтирилган) мисоллар гўёки асҳоб ул-каҳф (фор эталари) ва уларнинг тўртингчисиникига ўхшайди (тўртингчиси Қитмир исмли итдир). Ҳидоятили кимсаларга әргашгани туфайли у мақтовли ит бўлиб, жаннатга мустаҳик (сазовор) бўлди.

\*

Қўрқувга мубтало бўлған киши (қуёш мисоли) фақат кочишаи нажот излайди.

\*

Одамнинг умри аввалида қилган иши умрининг охиридаги ишларига ҳам далолатдир.

\*

Узоқ умри давомида саъй-ҳаракат ва одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирган одам, кейин одобга томон дастлабки қадам ташлаган кимса билан баробар эмас.

\*

Илму маърифатли одам тақаббурлик қилувчи доимо нодон кимсаларнинг бурнини тўзон-тупроққа тўлдирур.

\*

Қўркам ҳаётнинг ҳосил бўлиб давом этишига сабаб бўлган нарса узоқ муддат сукут сақлашни ихтиёр қилишдир.

\*

Гўзал сифат ва ҳусни хулқ сийратлари безамаган

кишини ҳеч қандай чиройли кийимлар күркам қилолмас, гуноҳ ва хатолардан сақланмаган кимсанинг қалби сира айдан фориг бўлмас.

Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улугворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас.

Яшил япроқлар остида етилиб пишган мевалар кўпинча оппоқ қоғозга битилган чиройли ёзувларга қараганда гўзалроқ саналади.

Мен била олмайман: булардан қайси бирининг машақати кўпроқ? Денгизда кучли тўлқинлар орасида сузib нажот излаган одамнингми? Ёки икки-учта хотини бўлиб, улар билан тинч-тотув турмуш қила олмаган эрнингми?

Сенда икки ярамас одат мавжуддир: бири, кибрлилик ва калондимоғлик бўлса, иккинчиси, хасислиkdir. Сен юрганингда такаббурлик қилиб юрасан, мухтоҷиши сендан бир нарса сўраса, йўқ дейсан.

Хайру эзгуликдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир, афсуски одамларда хайр ва эзгулик қилиш имкони йўқдир, унинг йўли бекилгандир.

Тадбиркорликда саъй-ҳаракат кўрсатиш, тақдиру қисматларда ғолибликка олиб келиш демакдир.

Одамлар турли-туман бўладилар, афсуски уларнинг аксарияти нопокдирлар.

Тоғ тепасидаги қояларни кўчириш миннат эшлиш юкларига нисбатан енгилроқдир.

Гарчанд узоқ умр күрган бўлсалар-да, кўп одамлар тўр ва тажрибасизdir.

Сен етмиш ёшга кирган бўлсанг-да, ҳамон арслон мисоли йиртқич ҳайвонсан, чунки мол-дунё ҳирсида мудом қўлингни (ҳар томонга) чўзасан.

Хотин зоти агар қалбинг улар ишқига гирифтор бўлганини сезса, бурнингни тупроққа ишқайди.

Бу йўллар орасида улуғ дейиладигани йўқдир ва бир халқидирки, сен унга лойиқ эмассан (уз замонасидан нолиш).

Қийинчилигу машаққатлар ҳужуми азму қарор ва ниятларни чалкаштириб, бузиб юборади.

Кимники ҳимматию муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўлар (ҳамдардлик билдирап) лар.

Ўзига бир насиҳатгўй қардош тоғган экан, аммо у буни шохи билан сузади деб гумон қилишига нима дейсиз?

Фақиру мискинларга вожиб садақаларни бажо келтирмаган бойларга жаҳаннамда даҳшатли бир хандақ бордир.

Хайр-саҳоват ва фазилат соҳибининг фарзанди хурмат ва шону шарафга сазовор ва муносибдир, чунончи дур (инжу) садафга қараганда юқори даражададир.

Аллоҳ таоло еру заминни баланд ва улуғвор тоғлар

билан безаганидек дини исломни ҳам имом Аъзам Абу Ханифа илмлари билан яшнатиб, барака берди.

\*

Ўткир қиличнинг бошга тушадиган зарбаси баъзи нодонларнинг ҳукми остида муте (итоатда) бўлиб юришдан афзалдир.

\*

Ҳақиқат ва адолат билан тўгри сиёsat юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқубат ва балога гирифтор бўлур.

\*

Қиличга қин (ғилоф) ва йиртқич қушда ўткир тирноқ бўлиши шак-шубҳасиздир (бу ҳикмат эр кишида керакли анжомлару қатъий азму-қарор бўлиши керак деган маънони англатади).

\*

Можаро билан қўрсатилган мурувватда (яхшилик) хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) чеҳаклаб қўйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам.

\*

Ваъда берганда Урқуб (ўз ваъдасини сира бажар-маслиги билан машхур бўлган шахс) каби ўз ваъдасини бажармаса, бир ишга астоғдил қасд қилса-да, чаён сингари вафосиз ва хиёнат қилувчи бўлса, ундай кишидан хайр йўқдир.

\*

Бани одамнинг солиҳ ишлари пайғамбар алайхис-саломнинг суннатларига мувофиқ бўлмаса, у ишлар мақбул ва юқори даражада бўлмас.

\*

Ҳоким (хўжа) нинг қулига, бой-бадавлат кишининг фақир бечорага хайру эҳсондан бошқа ҳеч бир фазилати йўқдир.

\*

Ўрмонларда арслонлар, боғларда илонлар бўлиши-нинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқдир.

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда  
деч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб  
ици тутгин.

Ҳар бир гўзал аёлни кўрганда эс-хушидан кетадиган  
Муслим ибн Валийд сингари заиф мусулмонлардан  
бўлма.

Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъда-  
дан деч бир хайрлик бўлмас.

Ўз нафсингга асир бўлмасанг, уни ўз ҳукмингда-  
тутасан, акс ҳолда ундан ғолиб чиқиб, ушлаб тур-  
олмайсан.

Ҳар қандай мушкул иш ажл згалари туфайли ислоҳ  
қилинур, чунончи еру кўк фақат ўз теграси қутблари  
атрофида айланар.

Сайр қилувчи юлдузлар фалакнинг гардишидек бе-  
малол сайр қила олмаганлари каби халойиқ ва фуқаро-  
лар подшоҳлар даражасига эриша олмаслар.

Хеч ажабланарли әмаски, баъзи жоҳил қишилар ба-  
ланд даражага эришиб, олим ва доно одамлар қўйида  
қолар, чунки баъзи вақтда Суҳайл (Канопус) юлдузи  
қутб жанубида бўла туриб пастга тушар, аммо Наим  
юлдузи каби кичик юлдуз бутун оламнинг боши устида  
турар.

Марзамон юлдузлари чиқиб турганда, яъни, бу дунё-  
да қоим бўлиб турганда замонада хайрлик йўқдир.

Овланаётган ўлжа ҳайвонга арслоннинг тирноғи  
ботмас, қачонки у (ҳайвон) ўз уясида ётган бўлса.

\*  
Сидқидил ва сахий кимсанинг қалбидан бошқа нарсаны сирларнинг сандиги қилма, яъни ҳар бир учраган кимсани сирдош этмагин.

\*  
Улар доим гуноҳларга миниб олишдан тўхтамайдилар, тўёки улар (гуноҳлар) йўлда минадиган ҳайвонлар (увовлар) идир.

\*  
Эй одам, унутмоқлик (паришонлик) сенинг одатингдир.

\*  
Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла!

\*  
Бахилу хасиснинг қўли оқармас, яъни бирор нарса беришга очилмас — токи тил билан қаттиқ сўз сўзланмагунча, тоғдаги мавжуд бойликларни чиқариб бўлмас — токи лўм билан кучли зарба урилмагунча.

\*  
Эй, кибр соҳиби! Қимматбаҳо тошлардан азизроқ бўлсанг-да, ҳакиқий инсонларга лойик бўлган ишларни бажо келтиргин.

\*  
Эй, молу мулк толиби (талабгори), сенинг кўкрак эмувинг муддати чўзилиб кетди, бас, етарли, қачон кўкракдан ажраласан... Тағин бу фойда сени жаҳаннамга солмасин?

\*  
Эй дунё, ўз фарзандларингга аввалида тотли (ширин) кўринасан, сўнгра аччиқроқ туюласан, уларга қарашасан — охирида улардан кечиб, айриласан.

Литературно-художественное издание  
**АБУ-Л-КАСИМ МАХМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ**  
**ТОНКИЕ ФРАЗЫ**

**Адабий-бадиий нашр**  
**АБУ-Л-ҚОСИМ МАҲМУД АЗ-ЗАМАҲШАРИЙ**  
**НОЗИК ИБОРАЛАР**

Муҳаррир Муборак Солижон қизи  
Мусаввир Ҳабибулло Абдулло ўғли  
Безаклар мухаррири Нусрат Ҳамидула ўғли  
Техник мухаррир Жаннат Қодир қизи  
Мусахҳиҳа Мавлуда Носир қизи

ИБ № 3145

Босмахонага берилди 18.08.92 й. Босишга рухсат этилди 12.10.92 й. Оғс. газет. қоғозга «Адабий» гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма тобоги 2,5. Шартли босма тобоги 4,20. Шартли кр.-отт. 4,60. Нашр тобоги 3,47. Нусхааси 100 000. Буюртма 802. Шартнома 10—92. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 700113, Тошкент, Чилонзор даҳаси, Қатортол кӯчаси, 60-уй.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернинг Мехнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида босилди. ГСП, 700021. Тошкент, «Правда» рӯзномаси кӯчаси, 41-уй.

КАМАЛАК